

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР  
МАҲҚАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ “ОИЛА”  
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТ МАРҚАЗИ**

**Санжар Юлдашев**

**СОЦИОЛОГИК АНКЕТА  
ТУЗИШ НАЗАРИЯСИ ВА  
АМАЛИЁТИ**

**ИЛМИЙ-УСЛУБИЙ ҚҮЛЛАНМА**

YOSHLAR NASHRIYOT UYI  
ØÍ ØÊÂÍ Ø – 2020

**УЎК 303.621.3**

**КБК 60.5**

**Ю 31**

**Юлдашев Санжар Рузимуродович.**

Социологик анкета тузиш назарияси ва амалиёти. Илмий-услубий қўлланма. – Тошкент: Yoshlar nashriyot uyi, 2020. 72 б.

**Қўлланма Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси хузуридаги “Оила” илмий-амалий тадқиқот маркази директори Д.Г.Ташмуҳамедованинг умумий таҳрири остида тайёрланди.**

Мазкур илмий-услубий қўлланма Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси хузуридаги “Оила” илмий-амалий тадқиқот марказида бажарилган “Ёшларнинг энг долзарб муаммоларини аниқлаш ва амалий таклифлар ишлаб чикиш (ёш оила мисолида)” лойиҳаси доирасида ишлаб чикилган бўлиб, у социологик тадқиқотларда анкета тузишнинг назарий ва амалий масалаларига бағишланган.

Ушбу қўлланма “Оила” илмий-амалий тадқиқот маркази ходимлари томонидан дала тадқиқотларини ўтказишда ҳамда “Оила” ўкув марказлари машғулотларида фойдаланиш учун мўлжалланган.

**Такризчи:** социология фанлари номзоди А.П.Сеитов

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси хузуридаги “Оила” илмий-амалий тадқиқот маркази Илмий - услубий кенгаши ва Мувофиқлаштирувчи кенгашининг 2019 йил 26 февралдаги кўшма йигилиши 1-сон баённомасига асосан нашрга тавсия этилган.

© “ЎЗҲАР” ЁАДОЛ

© YOSHLAR NASHRIYOT UYI,  
2020

ISBN 978-9943-6182-7-5

## К И Р И Ш

Азалдан жамоатчилик фикрини ўрганиш ва уни бошқа-рув қарорларни қабул қилишда эътиборга олиш мураккаб иш саналади. Чунки, жамоатчилик фикри ўз ижтимоий ва психологик табиатига кўра ўзига хос тифиз ва нотекис оқим бўйлаб ривожланади. Ушбу оқимнинг мазмуни ва йўналишига бир томондан илм аҳли, иккинчи томондан бошқа-рув аппаратига маълум бўлган ва бўлмаган объектив ҳамда субъектив омиллар таъсир кўрсатади. Шунинг учун социологик тадқиқотлар методологиясида жамоатчилик фикрини узлуксиз равишда сўров инструментлари орқали мониторинг қилиб боришга кўпроқ ургу берилади. Энг муҳим сўров инструменти эса – бу социологик анкета ёки анкета сўрови методидир.

Анкета сўрови – мураккаб жараён. У шунчаки анкета орқали ўтказиладиган оддий сўров бўлиб кўринсада, аслида анкета сўровини ўтказиш жiddий ёндашувни талаб этади. Анкеталарни тайёрлаш, респондентларни анкета сўровига иштирок этишга розилигини олиш, улар билан психологик алоқа ўрнатиш, анкета сўрови ўтказиладиган жойни тайёрлаш, анкеталарни тарқатиш ва йиғиб олиш каби ишларни ташкиллаштириш анкета сўровини ташкил этишининг муракаблигидан далолат беради. Шу сабабли, анкета сўровини сифатли ташкил этиш учун тадқиқотчи бошқа куч ва воситалардан, хусусан сўров тармогидан ёрдамчи сифатида фойдаланиши мумкин.

Агар сўров инструментлари орасида социологик анкета энг муҳими бўлса, анкетанинг ўзи учун эса энг муҳим масала – бу савол бериш санъатидир. Анкета саволи, агар у қизиқарли ва саводли тарзда тузилган бўлса, кичик ижодий кашфни ташкил қиласди. Бу борада анкеталарни тузиш бўйича машхур мутахассис Л.Я. Аверьянов шундай дейди: “Савол – бу шундай ўзига хос микроназария-ки, у бир қисмида (сўроқ қисмида) бизга илгаридан маълум билимизни, иккинчи қисмида (жавоб қисмида) эса бошқа бир билимни, яъни биз билиш истагида бўлган билимни

қамраб олади. Масалан, биз: “Американи Колумб очганми?” деб сўраганимизда, бу ерда маълум нарса Американинг очилгани бўлса, номаълум нарса уни ким очганлиги ни текшириш, ёки ростан ҳам Колумб очганлигини тахмин қилиш мавжуд”.

Юқорида анкета сўровининг услубий долзарблиги тўғрисида билдириб ўтилган фикрлардан келиб чиқиб, мазкур амалий қўлланмада социологик тадқиқотларда анкета сўрови методини қўллаш, хусусан социологик анкета тайёрлаш методикаси тўғрисида батафсил ахборот берилади.

## 1. АНКЕТА СЎРОВИНИНГ УСЛУБИЙ ТАВСИФИ

### 1.1. Анкета сўрови тушунчаси ва иштирокчилари

Сўров методи даставал психология илмида вужудга келган. Психологияда сўров методини биринчи бўлиб инглиз олимни Ф.Гальтон тадқиқотчиларда ақлий хислатларнинг юзага келишини ўрганиш мақсадида кўллаган. Кеиничалик хорижий психолог-олимлар С.Холл, А.Бине, Г.М. Андреева, Э. Ноэль томонидан сўров ўтказишнинг амалий технологияси ривожлантирилади. Бугунги кунгача амалий социологияда ҳам ушбу методни кўллаш методикаси юқори савияда ривожлантирилди. Сўров гоясининг “муаллифи” психология бўлсада, социология уни ривожлантириди, жамоатчилик фикридек мураккаб, кўп киррали ва латент ҳодисани ўрганиш учун мослаштириди, деб айтсан мубоблаға бўлмайди. Шундай бўлсада, бугунги кунда ҳар иккала фан ҳам ушбу методни ривожлантиришда ўз ҳиссасини кўшишдан тўхтагани йўқ. Улар аксарият тадқиқотларда комплекс равишда, яъни социология ва психология методларини узвий боғлиқ кўллаш орқали амалга оширилади. Бу, албатта, тадқиқотнинг сифатини оширишга хизмат қиласиди. Факат, психология кўпроқ ўз тадқиқотларида валидлилик тўғрисида қайғурса, социология репрезентативлик учун бош қотиради.

Социологиянинг сўров инструментлари асосан икки турга бўлинади: анкета сўрови ва интервью.

Анкета сўрови тўғрисида фикр юритишдан олдин интервью тўғрисида қисқача тўхталиб ўтамиш.

Интервью – интервью ўтказувчи (интервьюер) томонидан интервьюда иштирок этаётган шахс (респондент) дан муайян саволларга жавоб олишга йўналтирилган вербал-коммуникатив метод саналади. Содда қилиб айтганда, интервьюер билан респондентнинг мулоқоти тушунилади.

Интервьюони анкета сўровидан фарқлаб турувчи энг асосий жиҳати шундаки, анкета сўрови анкета сўровномалари асосида ўтказилади. Анкета сўровномасида савол билан биргаликда жавоблар вариантлари ҳам бўлади. Ундан ташкари, аксарият ҳолларда анкета сўрови кўпчилик орасида ўтказилади. Интервьюда эса анкета сўровномаси ўрнида интервью саволномаси бўлади ёки айрим ҳолларда (ностандарт интервьюда) умуман саволнома бўлмайди. Шунингдек, интервью респондент билан юзма-юз сухбат қилиш орқали алоҳида тартибда амалга оширилади. Анкета сўрови эса бир вақтнинг ўзида кўпчилик орасида анкета сўровномаларини тарқатиш орқали ўтказилади.

Демак, анкета сўрови деганда инсонлардан олдиндан тайёрланган сўровномалар асосида маълум объектив фактлар, воқеа, ҳодиса ва шахслар тўғрисида фикр олиш жараёни тушунилади. Содда қилиб айтганда, *анкета сўрови – анкета асосида сухбат қилишидир*. Анкета сўрови ёрдамида респондентлардан ўzlари гувоҳи бўлган, эшитган, кўрган ёки мустақил тушунчага эга бўлган маълум воқеа ёки шахс тўғрисида маълумот олиш жараёнини тушуниш мумкин.

Анкета сўрови респондентларнинг сони бўйича қуидағи турларга бўлинади:

- индивидуал анкета сўрови (битта респондент, яъни ҳар бир фуқаро билан алоҳида тартибда анкета сўровини ўтказиш);
- гурӯхий анкета сўрови (бир вақтнинг ўзида бир қанча (100 гача) респондент билан сўров ўтказиш);
- оммавий анкета сўрови (юздан ошик респондентни анкета сўровига жалб қилиш).

Социологик сўров – мураккаб жараён. У шунчаки анкета орқали ўтказиладиган оддий сўров бўлиб кўринсада, аслида социологик тадқиқотни ўтказиш жиддий ёндашувни талаб этади. Анкеталарни тайёрлаш, респондентларни анкета сўровига иштирок этишга розилигини олиш, улар билан психолого-гик алоқа ўрнатиш, анкета сўрови ўтказиладиган жойни тайёрлаш, анкеталарни тарқатиш ва йиғиб олиш каби ишларни ташкиллаштириш анкета сўровини ташкил этишнинг муракаблигидан далолат беради. Шу сабабли, тадқиқотни сифат-

## Социологик анкета тузиш назарияси ва амалиёти

ли ташкил этиш учун тадқиқотчи бошқа куч ва воситалардан ёрдамчи сифатида фойдаланиши мумкин.

Энди анкета сўрови иштирокчилари ёки “сўров тармоғи” билан қуидаги жадвалда танишиш мумкин:

<i>Иштирокчи-нинг номланиши</i>	<i>Амалиётда кимлар ушбу ролни бажаршии мумкинлиги</i>	<i>Социологик сўровдаги вазифаси</i>
<b>Тадқиқотчи</b>	Социологик тадқиқотлар методологияси бўйича билим, малака ва кўнникмаларга эга бўлган шахс	Социологик тадқиқотларни режалаштириш, ташкил этиш, ўтказиш ҳамда тадқиқот натижаларини умумлаштириш ва таҳлил қилиш.
<b>Респондент</b>	Фуқаролар	Анкета саволларига жавоб берувчи шахс.
<b>Интервьюер</b> (интервью, яъни сухбат ўтказувчи шахс)	Тадқиқотчига ёрдам берувчи ҳамда тадқиқот стратегияси билан таништирилган, интервьюерларни тайёрлаш киска курсини ўтган ёки йўрүкнома олган ёрдамчи шахс	<ul style="list-style-type: none"> <li>- Анкета сўровини ташкил этади;</li> <li>- сўров нуткласарини тайинлайди;</li> <li>- анкета сўрови иштирокчилари (анкетёр, рекрутёр, назоратчи)га йўл-йўриклар кўрсатади;</li> <li>- анкетёрнинг тавсиясига кўра анкета тўлдираётган айrim респондентлар билан алоҳида сухбат-интервью ўтказади;</li> <li>- сўров иштирокчилари харакатларини мувофиқлаштиради.</li> </ul>
<b>Анкетёр</b> (фақат анкеталар билан ишловчи шахс)	Тадқиқот марказлари стажерлари, кичик ходимлари, талаба ва магистрантлар	<ul style="list-style-type: none"> <li>- Ўзига биринкирилган сўров нуткасида анкета сўровини ташкил этади;</li> <li>- респондентлар билан умумий психологик алоқа ўрнатиб, анкета саволларига жавоб бериш тартибини кўрсатади;</li> <li>- респондентларга анкеталарни тарқатади ва тўлдириб бўлгач йигиб олади;</li> <li>- респондентлар хулқини кузатиб бориб тадқиқотчига қайси респондент билан юзма-юз гаплашиб зарурлиги тўғрисида тавсия беради.</li> </ul>

<p><b>Рекрутёр</b> (инглизча “recruitment” сўзидан “энди чакирилган аскарларни ийғиши” мазмунини англатади)</p>	<p>мулоқот сирларини чукур ўзлаштирган тадқиқотчи ёки мутахассислар (психолог, социолог).</p>	<ul style="list-style-type: none"> <li>- Умумий респондентлар оқимидан анкета сўрови учун керакли респондентларни саралаш ишларини ташкил этади;</li> <li>- респондентлар билан дастлабки психологик алоқани шакллантириб, уларнинг орасидан керакли ахборот “ташувчи”ларини аниқлайди;</li> <li>- респондентларнинг анкета сўровида иштирок этишга розилигини олади ва сўров нуктасига йўналтиради.</li> </ul>
<p><b>Назоратчи</b> (бирор жараён устидан назоратни ўрнатувчи шахс)</p>	<p>Тадқиқотчининг шериги, шогирди, ҳамкаси</p>	<ul style="list-style-type: none"> <li>- Сўров нукталарида анкета сўровига тўғридан-тўғри аралашмаган холда ташкил назоратни ўрнатади;</li> <li>- анкета тўлдираётган респондентлар хулқини кузатиб боради ҳамда тадқиқотчи учун муҳим бўлган маълумотларни бериб боради;</li> <li>- ташкилий масалаларни ҳал қилишда ёрдам беради.</li> </ul>
<p><b>Супервайзер</b> (инглизча “supervisor” сўзидан “айнан назоратчи” мазмунини англатади)</p>	<p>тажрибали тадқиқотчи (таҳлилчи) ёки таҳлилий бўлим бошлиги</p>	<ul style="list-style-type: none"> <li>- Анкета сўровини ташкил этиш ва ўтказиш жараёнига умумий раҳбарликни амалга оширади;</li> <li>- интервьюерларни танлайди ва анкета сўровини ўтказиш усуllibарини ўргатади;</li> <li>- бутун анкета сўровини ўтказиш жараёнида ҳамкорликни ушлаб туради;</li> <li>- анкета сўровининг ҳамма иштирокчилари фаолиятини назорат қиласи;</li> <li>- керакли вактларда анкета сўрови режасига ўзгартиришлар киритади ва бошқа муҳим қарорларни қабул қиласи.</li> </ul>

Юқорида келтирилган жадвал билан танишиш давомида унинг иштирокчилари кўплигидан “социологик тадқиқот ўтказиш шунчалик қийин экан-да!?” деган холосага келмас-

лигимиз керак. Аслида, тадқиқот иштирокчилари биринчи ва иккинчи даражали тоифаларга бўлинади.

**Биринчи даражали иштирокчиларга** тадқиқотчи ва респондент киради. Қисқа муддатли ва кичик масштабли анкета сўровларида шу икки иштирокчининг ўзи кифоя бўлиши мумкин. Бунда тадқиқотчи респондентларга анкеталарни тарқатади ва жавоб бериб бўлгач, уларни йигиб олиб таҳлил қилиш учун тадқиқот марказига олиб кетади. Бироқ, бунда тадқиқотчи айрим ҳаракатларни амалга оширишда шошилиб қолиши ёки шунчаки ёдидан чиқариб қўйиши мумкин. Шу сабабли, имкон қадар ҳеч бўлмагандан ташкилий масалаларда ёрдам бериш учун ёрдамчи кучга таяниши ҳамда жадвалда кўрсатилган бирор-бир иштирокчини жалб қилиши мумкин.

**Иккинчи даражали иштирокчиларга** жадвалда кўрсатилганларнинг қолгани (интервьюер, анкетёр, рекрутёр, назоратчи, супервайзер) киради. Ушбу иштирокчиларнинг иккинчи даражали ҳисобланишига сабаб дала тадқиқотида ҳар доим ҳам уларнинг иштирок этиши мажбурий саналмайди. Тадқиқотда тадқиқотчининг имкониятларидан келиб чиқиб уларнинг иштирок этиши шартлари тўғрисида қарор қабул қилинади.

Социологик сўровда асосан икки хил вазиятда жадвалда кўрсатилган барча шахсларнинг иштирок этиши мақсадга мувофиқ саналади:

1. Агар сўров режа асосида оммавий тарзда, яъни катта ҳажмдаги респондентлар оқимида ташкил этилаётган бўлса. Масалан,abituriyentlarning ўқишга кириш учун тест топшириши олдидан жамоатчилик кайфиятини мониторинг қилиш мақсадида социологик сўров ўтказаётганда таклиф этилган иштирокчиларни жалб қилиш мумкин.

2. Агар сўров тадқиқотчи учун нотаниш, коммуникация билан тўлиқ қамраб олинмаган, турфа ижтимоий-демографик таркибга эга бўлган ёки бошқа тавсифларига кўра сўров жараёнини мураккаблаштириши мумкин бўлган жой, аҳоли пункти ва ташкилотларда ўтказилаётган бўлса.

1.2.

**Анкета сўровининг услубий афзаллклари  
ва камчиликлари**

Хар бир методнинг услубий афзаллклари, муваффакиятлари билан биргалиқда, ўзига хос эҳтимолий камчиликлари ҳам бўлади. Масалан, сўров инструментлари орасида олимлар томонидан энг самарали тури сифатида интервью, яъни шахс билан юзма-юз сухбат ўtkазиш эътироф этилади. Чунки, юзма-юз мулоқот қилиш орқали фуқароларни тинглаш, саволларга бевосита жавоб олиш, айрим ҳодиса ёки воқеаларни қайтадан сўраш ҳамда аниқлаштириб олиш имконияти мавжуд бўлади. Шунингдек, интервью давомида респондентни шахсан ва индивидуал тартибда кузатиш, респондентнинг ўзини тутиши, кутилмаган ёки чалғитувчи саволларга жавоб бериши, ташки кўринишидаги экспрессив реакциялар, нутқидаги ўзгаришларни кузатиб бориш шарорити ҳам мавжуд бўлади.

Тўғри, инсонни сўзларидан кўра, хулқига қараб баҳолаш кўпроқ фойда бериши мумкин. Бироқ, инсоннинг хулқи у тўғрисидаги ҳақиқатнинг кичик дебочаси саналади. Аслида эса, инсон тўғрисидаги асосий маълумотлар унинг ички рухиятида яшириниб ётиши ва хулқида кузатмаслигимиз мумкин. Шу сабабли, у ёки бу инсоннинг мотивлари ва мойиллигини унинг барча ҳаракатлари мажмуасидан келиб чиқиб баҳолашимиз мумкин. Бу борада анкетадаги турли саволлар респондент рухиятининг турли кирраларини очишга кўмаклашади.

Демак, анкета сўровининг услубий афзаллклари қуидагиларда намоён бўлади:

1. Қисқа вақт оралигида кўпроқ респондентларнинг  
фикрини ўрганиш

Сўров социологик анкета воситасида ўтказилаётганлиги сабабли респондентларнинг ҳар бири билан алоҳида тартибда сухбат ўюнтириш шарт эмас. Уларни алоҳида жойда тўплаб бир вақтда анкеталар тарқатилади ва нисбатан умумий вақтда респондентлар анкеталарни тўлдириб беришади. Масалан, 50 нафар респондент билан анкета сўрови

ўтказилаётган бўлса ва социологик анкета 15-20 саволдан иборат бўлса, 1 соат оралиғида улар анкетадаги саволларга жавоб бериб бўлиши мумкин. Яъни, тадқиқотчи 1 соат ичди 50 нафар респондентнинг фикрини олишга муссар бўлади. Бошқача шароитда эса (хусусан оғзаки сухбатда) бундай натижага эришиб бўлмайди.

### *2. Респондентларнинг новербал ҳулқини кузатиши ва психологик ўрганиши имкониятининг мавжудлиги*

Инсон ҳулқининг новербал компонентларига унинг қиликлари, мимика, имо-ишоралари, юз тузилиши ва баданидаги реакциялар ҳамда нутқ билан боғлиқ бўлмаган бошқа харакатлари киради. Вербал компонентга эса оғзаки ва ёзма нутқ билан боғлиқ харакатлари киради. Анкетадаги турли шаклдаги саволлар респондентнинг онгига суқилиб киради. Шу сабабли, агар кузатиб турсангиз, анкета саволларига жавоб берайтган респондентнинг эмоционал ҳолати ўзгариб бораётганлигидан гувоҳ бўлишингиз мумкин. Бу борада, немис мутафаккири Фредрих Ницше шундай деган эди: “*Одамлар оғзи билан бемалол алдайди, бироқ уларнинг ўша пайтдаги тиришиб турган афти ҳар ҳолда ҳақиқатни айтади*”.

Анкета сўровида респондентлар кўлида турган анкета сўровномалари билан интерсубъектив муносабатга киришади, яъни анкетадаги саволларга ифода этилган воқеа ва ҳодисаларга хаёлан кириб кетади. Ҳар бир саволни ўқиётганда, респондентнинг хотирасида ўзи кўрган, эшитган ёки гувоҳи бўлган воқеалар ассоциациялар ёрдамида гавдаланди ва албатта, ушбу ички руҳий жараён респондентнинг ташки қиёфасида намоён бўлади. Тадқиқотчи респондентлардаги ана шундай ўзгаришларни кузатиб бориши ҳамда респондентлар орасидан кўпроқ руҳий ташвишга тушганларини аниқлаб олиши мумкин. Кейинчалик бундай шахслар билан алохida тартибда психологик алоқа ўрнатиб, улардан ишончлироқ ва манзилли маълумотларни олиш мумкин бўлади.

### *3. Саволларга жавоб олиши усулиниң енгиллиги*

Анкета сўровининг афзаллиги – унда респондентдан олиш мумкин бўлган жавобларнинг олдиндан ишлаб чиқилганлигидадир. Жавобларнинг мавжудлиги нафақат сўров

жараёнини енгиллаштириб беради, балки респондентлар фикрининг тўлиқлиги, холислиги ва тўғрилигига ҳам таъсир кўрсатади.

Социологик анкета респондентларнинг бирор воқеага оид фикрларини тизимлаштириш хусусиятига эга. Айрим вақтларда, тадқикот доирасида ўрганилаётган ижтимоий муаммо, факт ёки жараён тўғрисидаги маълумот респондентлар ёдидан кўтаришган бўлиши мумкин. Анкетада эса саволлар билан биргаликда бир қанча жавоблар “менюси” келтирилади. Ушбу менюдаги жавоблар орасида агар респондент дуч келган воқеа, ҳолат, ҳодиса бўлса ушбу жавоблар респондент хотирасида ассоциацияларни юзага келтиради ҳамда муайян савол юзасидан унинг фикрларини тизимлаштиради. Ундан ташқари, анкета сўрови шунаقا сўров тури-ки, унда оғзаки сўровда бўлиши мумкин бўлган фикр бўлиниши ва қочиши, сафсатабозлик каби ҳолатлар истисно этилади.

#### 4. Ижтимоий-сиёсий вазият тенденцияларини аниқлаш ва расмий маълумотлар билан қиёслаш имконияти

Бугунги кунда мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий барқарорлигига таъсир кўрсатаётган ташки ва ички омиллар кўп. Унга қўшни мамлакатлардаги вазият, етакчи мамлакатлардаги инқирозли ҳолатлар, маданий экспансия, миграция, турли трансчегаравий таҳдидлар таъсир кўрсатади. Эндилиқда, ушбу жараёнларни тўхтатиб бўлмайди ва уларнинг масштаби, характеристи, тезлиги ўзгарувчан бўлиб қолади. Бу эса, ўз ўрнида ижтимоий-сиёсий вазиятнинг ҳам динамиклигидан далолат беради. Ҳар доим жамоатчилик фикри йўналиши орқали ижтимоий-сиёсий барқарорликка хавф солиши мумкин бўлган янгича хатар, таҳлика ва таҳдидлар юзага келиши мумкин. Бу борада, анкета сўрови мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий вазият тенденцияларини аниқлайдиган мухим инструмент бўлиб хизмат қилиши мумкин. Чунки, ижтимоий барқарорликка таъсир кўрсатувчи хавф-хатарлар тўғрисидаги ахборот “ташувчиси” – бу респондентнинг ўзи. Албатта, бугунги кунда бундай хавфлар тўғрисида расмий давлат идоралари ва хукуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан керакли ишлар амалга оширилмоқда. Ўз ўрнида, анкета сўро-

вига ҳам ушбу ишнинг мүқобил варианти ёки қўшимча тўлдирувчи воситаси сифатида қараш мумкин. Анкета сўрови орқали эса юзлаб респондентларнинг фикрлари умумлаштирилиши, тизимлаштирилиши ва қиёсланиши мумкин. Шу сабабли, расмий маълумотлар анкета сўрови орқали олинган маълумотлар билан қиёсланса, жамоатчилик фикри йўналишидан келиши мумкин бўлган хавфлар тўғрисида ишончлироқ ва тўлиқроқ ахборотларга эга бўлиш мумкин.

### **Респондентлар билан ўтказиладиган анкета сўровининг услубий камчилик ва қийинчиликлари қўйидаги лардан иборат:**

#### *1. Фикр эгасининг аниқ эмаслиги*

Анкета сўровининг асосий шартларидан бири шундан иборатки, у доимо аноним равища ўтказилади. Чунки, жамоатчилик фикри социологияси ва психологиясида кўпроқ фикр эгаси эмас, балки фикрлар мавжумасининг қайси муаммога қай равища йўналганлиги ўрганилади. Ундан ташқари, сўровда иштирок этаётган респондентлар билан ўзаро ишончли психологик алоқа ўрнатиш ҳамда объектив ахборот олиш мақсадида уларга сўровнинг аноним равища ўтказилаётганлиги ҳамда бераётган холисона жавоби учун таъкиб қилинмаслиги тушунтирилади. Анкета сўровларида иштирок этаётган респондентларнинг аниқ биографик маълумотларини билиш имконияти чекланган. Албатта, тадқиқотчи мансабдор шахслар ёрдамида маъмурий ресурслардан фойдаланган ҳолда уларнинг шахсларини тасдиқловчи хужжатларини текшириш орқали исм-шариф, яшаш манзилларини билиб олиши мумкин. Бироқ, бундай ёндашув келажакда ушбу методни консервация хавфи остига қолдиради ҳамда респондентларда тадқиқотчига нисбатан қўркув ва ишончсизлик симптомлари юзага келишига сабаб бўлади.

#### *2. Респондентлар билан юзма-юз сухбатнинг мавжуд эмаслиги*

Юқорида маълум қилинганидек, анкета сўровида ҳар бир респондент билан юзма-юз гаплашиш имконияти чекланган. Бироқ, ҳар қандай муаммонинг ечимини топиш мумкин. Анкета сўровида респондентлар билан “face-to-face” форматида

сұхбат уюштирилмаёттеганлиги ушбу методнинг услубий камчилиги ҳисоблансада, сўров давомида тадқиқотчи респондентлар хулқини уларнинг назарига яққол тушмаган ҳолда синчковлик билан кузатиб бориши зарур. Кузатув давомида агар бирор респондент тадқиқотчи назарига тушадиган бўлса, унда у ўз коммуникатив маданиятидан фойдаланган ҳолда турли баҳоналар асосида ушбу шахсга яқинлашиши ва индивидуал муносабатга киришиши мумкин.

### 3. Анкета саволларига респондентлар томонидан ноаниқ ёки нотўғри жавоб берииш эҳтимоли

Одамлар тасаввурнида савол бериш жавоб беришдан кўра оддий ва осон иш бўлиб кўринади. Аслида эса, савол бериш анча мураккаб иш саналади. Чунки, берилаётган жавобнинг тўғрилиги, мақсадлилиги ва йўналтирилганлиги саволни шакллантириш санъатига боғлиқ. Ўз ўрнида, анкета сўровида респондентлар берилган саволлар асосида ўз фикрларини баён қиласди. Шу сабабли, агар улар анкетадаги саволларни тўғри тушунмаса ёки идрок этмаса нотўғри ёки ноаниқ жавоб бериши мумкин. Бу эса, ўз-ўзидан маълумки, объектив бўлмаган якуний натижаларга олиб келади ҳамда сўровни ташкиллаштириш бўйича қилинган машаққатли меҳнатни йўққа чиқаради.

Респондентлар қўйидаги ҳолатларда анкета саволларига ноаниқ ёки нотўғри жавоб бериши, ёки умуман жавоб бермаслиги мумкин:

- анкетадаги саволлар респондентлар томонидан мавхум ёки бир ёқлама тушунилганда;

- анкетада кўрсатилган вазиятлар менюсида респондент кўрган воқеа-ҳодисалар ёки шунга ўхшашлари йўқ бўлса;

- анкетадаги савол очиқдан-очиқ респондентнинг бирор ижтимоий хавфли қилмишга алоқадорлигини текширишга йўналтирилган бўлса ва агар ушбу саволга жавоб берса респондентда ўзининг расмий идоралар томонидан таъкиб қилиниши билан боғлиқ тасаввур ёки қўркувлар юзага келса;

- саволларда респондент тушунмайдиган ёки унинг доимий мuloқотида қўлланилмайдиган сўз, атама ва иборалардан фойдаланилган бўлса ва бошқа шу каби ҳолатлар.

#### 4. Анкета сўровини ташкил этиши билан боғлиқ ташкилий ишлар

Анкета сўровини ташкил этиши билан боғлиқ ташкилий муаммолар ҳам тадқиқотчи (айниқса, унинг ўзи мустакил ўтказаётган бўлса) учун маълум қийинчиликларни юзага келтиради. Чунки, анкета сўрови учун алоҳида жой топиш ва ушбу жойда респондентлар учун қулай ва шинам шароит яратиш, анкета сўровномаларини тайёрлаш, чоп этиш, тарқатиш ва умумлаштириш каби ташкилий ишлар бажарилади. Ушбу қийинчиликларни енгигб ўтиш учун тадқиқотчи сўров тармоғини шакллантириши лозим бўлади.

1.3.

Анкета сўровини ўтказиш босқичлари

Респондентлар билан анкета сўровини уч босқичда ташкиллаштириш ва ўтказиш мумкин. Булар – анкета сўровига тайёргарлик кўриш, анкета сўровини ўтказиш ва анкета сўровини якунлаш босқичларидир.

Анкета сўровининг ҳар бир босқичида қуидаги ишлар амалга оширилади:

##### **Анкета сўровига тайёргарлик кўриш босқичида:**

- ❖ анкета сўрови мақсади ва вазифалари, сўров давомида аниқланиши мумкин бўлган ахборот кўрсаткичларини белгилаш;
- ❖ анкета сўровини ўтказиш учун илмий-тадқиқот мусасасаси (ИТМ) раҳбаридан рухсат олиш;
- ❖ сўровда иштирок этиши мумкин бўлган респондентларнинг ижтимоий-демографик ва касбий тузилишидан келиб чиқиб анкета сўровномасини тайёрлаш ва керакли тилда ҳамда миқдорда чоп этиш;
- ❖ анкета сўрови давомида ўзининг вербал ёки невербал хулқи билан ажralиб турган респондентлар билан анкета сўрови якунланганлигидан сўнг қўшимча тарзда якка тартибдаги интервью ўтказиш учун олдиндан интервьюнинг эҳтимолий саволномасини тайёрлаш;
- ❖ сўров тармоғини шакллантириш, сўров ўтказилиши режалаштирилаётган жойнинг маъмурий ходимлари ҳамда

мутахассисларнинг анкета сўрови ўтказаётган ИТМга эҳти-  
молий ёрдам бериш имкониятларини аниқлаш. Уларнинг  
анкета сўровидаги роли (интервьюер, анкетёр, назорат-  
чи, рекрутёр, супервайзер)ни белгилаш ҳамда ҳар бирига  
йўриқнома бериш учун вазифаларни ишлаб чиқиш;

❖ анкета сўрови ўтказилаётган жойни белгилаш ҳамда  
ўша жойда анкета сўровини ўтказиши учун керакли масъул  
шахсдан (маҳалла раиси, маъмурий бино эгаси, ташкилот,  
муассаса ва корхона раҳбари) розилик олиш.

**Анкета сўровини бевосита ўтказиши босқичида:**

❖ анкета сўрови ўтказилаётган жойга етиб келиш  
ва сўров ўтказилаётган жойни эгаллаш вақти ва бошқа  
шарт-шароитларни келишиб олиш ;

❖ анкета сўрови ўтказилаётган жойни респондентлар-  
ни қабул қилиш учун тайёрлаш, уларни қулай шароитда ўзи-  
ни эркин ҳис қилиши ва анкета саволларига жавоб бериши  
учун керакли моддий жиҳозлар билан таъминлаш;

❖ анкета сўрови ўтказиши учун тайёрланган жойда кат-  
та микдордаги респондентлар билан ишлашни осонлашти-  
риш мақсадида сўров нуқталарини тайинлаш. Масалан,  
сўров маъмурий бинода холл-тест технологияси бўйича ўт-  
казилаётган бўлса ҳар бир хонада биттадан сўров нуқтаси  
тайинланиши мумкин. Ёки, агар анкета сўрови турар жой  
сўрови технологияси бўйича ўтказилаётган бўлса, унда ахо-  
ли пунктининг ҳар бир кўчаси битта сўров нуқтаси ҳисобла-  
ниши мумкин;

❖ тадқикотчига ёрдам берадаётган сўров тармоғига  
йўриқнома бериш, алоқа қилиш шаклларини келишиб олиш,  
вазифаларни аниқ тақсимлаш;

❖ рекрутёр билан ҳамкорликда респондентлар ораси-  
да анкета сўровида иштирок этиш учун саралаш ишлари-  
ни олиб бориш, респондентларни сўровга иштирок этишга  
таклиф қилиш ҳамда уларнинг розилигини олиш;

❖ респондентларни сўров ўтказилаётган жойда тўплаш  
ҳамда сўров нуқталари бўйича тақсимлаш;

❖ сўровда иштирок этаётган респондентлар билан пси-  
хологик алоқа ўрнатиш, уларда шубҳаланиш ёки қўркув

синдромлари юзага келмаслиги учун сўровнинг мақсадини тушунтириш, респондентларда манфаатдорлик ҳиссиятини шакллантириш учун анкета сўрови натижаларининг объективигини уларнинг келажақдаги ижтимоий фаровонлигини таъминлаш билан боғлиқ эканлигини етказиш;

❖ сўровда иштирок этаётган респондентларга анкета сўровномаларини тўлдириш қоидаларини тушунтириш;

❖ респондентлар анкета саволларига жавоб бериши давомида уларнинг хулқини дикқат ва синчковлик билан кузатиш ҳамда айрим белгиларига кўра тадқиқотчи билан алоҳида сухбат қилиш ташаббусига эга бўлган ва бу ҳақда айтишга уялаётган респондентлар билан анкета сўровидан кейин индивидуал тартибда интервью ўтказиш учун белгилаб қўйиш;

❖ кузатув давомида имкон қадар респондентларнинг ўзаро гаплашуви ёки бирор нарса тўғрисидаги келишувларини психологик усуслардан фойдаланган ҳолда уларга тўғридан-тўғри билдирилсан олдини олиш;

❖ кузатув давомида саволларни тушунмаган респондентларга содда ва оддий ҳалқ тилида тушунтириш, шунингдек сўровга бефарқ ёндашаётган респондентларга тушунтириш ва ишонтириш методларидан фойдаланган ҳолда уларни фаол респондентга айлантиришга ҳаракат қилиш;

❖ анкеталарни тўлдириб бўлган респондентлардан анкеталарни йигиб олиш ҳамда уларга сўровда иштирок этганлиги учун психологик рағбатлантирув усусларидан фойдаланган ҳолда миннатдорчилик маълум қилиш.

### **Анкета сўровининг якуний босқичида:**

❖ респондентлар томонидан тўлдирилган барча анкеталарни йигиб олиш ҳамда анкетёр ва назоратчилар ёрдамида анкеталар сонини респондентлар сони нисбатига хисоблаб кўриш;

❖ тўлдирилган анкеталарни фильтрация қилиш ва анкета сўровида суст, бефарқ ва виждонсиз иштирок этган респондентлар томонидан тўлдирилмаган ёки чала тўлдирилган анкеталарни яроқсиз деб эътироф этиш учун ажратиб олиш;

- ❖ тадқиқотчи билан алоҳида сўзлашиш истагига эга бўлган респондентлар билан интервью ташкиллаштириш;
- ❖ сўров тармоғини ташкил этган иштирокчилар (агар иштирок этган бўлса), хусусан интервьююер ёрдамчилари – анкетёр, назоратчи ва рекрутёрлар билан сұхбат қилиш ҳамда улардан кузатув давомида эҳтимолий тўплаган маълумотларни сўраб олиш;
- ❖ агар тадқиқотчи анкета сўровини ташкил этиш ва ўтказишга ёрдамлашган сўров тармоғига анкета сўровини ўтказиш жараёнинг таалуқли бирор ҳужжат (йўриқнома, респондентлар рўйхати ва ҳ.к.) берган бўлса, унда уларни қайтариб олиш;
- ❖ сўров тармоғига анкета сўровини иштирок этишда кўмаклашганлиги учун миннатдорчилик маълум қилиш ҳамда кейинги ҳамкорлик шаклларини келишиб олиш;
- ❖ сўров ўтказилган жойни кўздан кечириш ҳамда жой эгаси ёки бино маъмуриятига миннатдорчилик маълум қилиш;
- ❖ респондентлар томонидан тайёрланган анкеталарни “Microsoft Office Excel” ёки “SPSS” (инглизчадан абревиатура «*Statistical Package for the Social Sciences*» — «иҷтимоий фанлар учун статистик пакет) программалари ёки оддий арифметик усуллар ёрдамида статистик ишловга олиш. Респондентларнинг жавобларини таҳлил қилишда уларнинг ёши, жинси, касби ва бошқа жиҳатларига қараб фоизлар асосида омилли ёки қиёсий таҳлил қилиш мумкин. Респондентлар фикрлари дастлаб ёпиқ саволлар асосида миқдорий таҳлил қилинади. Кейин очиқ саволлар ёки ярим ёпиқ саволларда улар томонидан билдирилган фикрлар умумлаштирилади ҳамда алоҳида респондентлар билан ўтказилган интервью натижалари билан бойитилади;
- ❖ анкета сўрови натижалари асосида ахборот-таҳлилий ҳужжат тайёрлаш ҳамда манфаатдор вазирлик ёки давлат идораларига ахборот учун тақдим қилиш масаласини кўриб чиқиш.

## 2. СОЦИОЛОГИК АНКЕТА ТУЗИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

2.1.

Социологик анкета тушунчаси ва тузилиши

Социологик анкета учта ҳаракатни ўзида мужассамлаштирувчи коммуникатив акт саналади:

- 1) манфаатдор шахс (тадқиқотчи, таҳлилчи) томонидан ўзига керакли маълумотларни олишга йўналтирилган саволларнинг сўровномага жойлаштирилиши;
- 2) респондентлар томонидан ушбу саволларнинг идрок этилиши ва уларга ёзма жавоб бериши;
- 3) манфаатдор шахс томонидан респондентлар тўлдириган анкета сўровномаларини ўрганиб чиқиш.

Анкета сўровномасида ахборот ташувчиси бўлиб респондентлар жавоблари саналади. Содда қилиб айтганда, анкета – сўров хужжати, респондент билан ўtkазиладиган сухбат сценарийси саналади.

Анкета сўровномаси ўз тузилишига кўра куйидаги қисмлардан ташкил топади:

### 1. Кириши қисми

Анкетанинг ушбу қисми респондентларга анкета сўровининг умумий мақсади ва мазмуни, анкетани тўлдириш қоидалари тўғрисида зарур маълумот беради. Киришнинг асосий вазифаси – респондентни сўровда иштирок этишга ва онгли жавоб беришга кўндириш саналади. Кириш қисмida, албатта, анонимлик ва конфиденциаллик кўрсатилиши, шунингдек тўлдириш қоидалари келтирилиши лозим. Анонимлик ҳолларида респондент ўзининг исми ва бошқа маълумотлари анкета сўровини ўтказётган ходимларга ошкор бўлмаслигига ишонч ҳосил қилиши лозим. Конфиденциаллик ҳолларида эса респондент томонидан берилган маълумотлар факат тадқиқотчига маълум бўлиб, бошқа шахсларга маълум қилинмаслигини тақозо этади.

Масалан, куйидаги тадқиқот ишидан мисол келтирилади:

## **«ОИЛАВИЙ АЖРАЛИШЛАР САБАБЛАРИГА ОИД ЖАМОАТЧИЛИК ФИКРИ» СҮРОВ АНКЕТАСИ**

*Сизга мазкур тадқиқотда шитирок этишига рози бўлганлигингиз учун олдиндан миннатдорчилек билдирамиз. Аввало, шуну таъкидлаб ўтмоқчимизки, сизга берилсаётган саволларниң тўғри ёки нотўғри жавоблари мавжуд эмас. Шунингдек, сиз каби фуқароларимизнинг оиласиий ажралишлар сабаблари тўғрисидаги объектив шахсий фикрларини билишини истар эдик.*

*Саволларни ўқиб, жавоблар рўйхатидан ўзингиз рози бўлган вариантга плюс (+) белгисини қўйишингизни илтинос қиласиз.*

*Ишончининг комил бўлсинки, сизнинг жавобларингиз ошкор этилмайди. Улар фақатгина умумлашган кўришида ишлатилади.*

### **2. Реквизит кисми**

Бу қисмда анкетанинг асосий реквизитлари келтирилалди. Анкетанинг реквизитларига анкета сўровномасининг шартли номи, сўров ўтказилаётган сана, вақт ва жой киради. Социологик анкетанинг ушбу қисми мажбурий ҳисобланмайди. Анкета тузасиётганда уларнинг ҳаммасини кўрсатмасдан фақат шартли номланишини кўрсатиш мумкин, ёки умуман ҳеч нарса кўрсатмаслиги ҳам мумкин. Социологик анкетанинг шартли номи респондентларга анкетадаги вазиятга тезроқ кириш ва мослашишига ёрдам беради. Айрим ҳолларда, агар тадқиқотчи анкета сўрови орқали респондентлар билан қўшимча танишишдан манфаатдор бўлса, ўзининг ҳақиқий исм-шарифини кўрсатмаган холда бошқа бир исм-шарифни ёзиб куйиши ҳамда телефон раками ёки интернетдаги электрон манзилини кўрсатиб қўйиши мумкин. Шунда тадқиқотчи билан алоҳида боғланиб, ахборот тақдим этмоқчи бўлган респондентлар ушбу координатлар бўйича унга чиқиши мумкин.

Мисол сифатида қўйидаги социологик анкетадан реквизит қисмига оид бўлак келтирилади:

## «ОИЛАВИЙ АЖРАЛИШЛАР САБАБЛАРИГА ОИД ЖАМОАТЧИЛИК ФИКРИ» СҮРОВ АНКЕТАСИ

Сўров жойи: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Оила” илмий-амалий тадқиқот маркази

Сўров санаси: 12.10.2018 йил.

Сўров ўтказмоқда: тадқиқотчи Юлдашев С.Р.,  
*psixolog\_84@mail.ru.*

### **3. Ахборот қисми**

Социологик анкетадаги ахборот қисми унинг энг муҳим элементи ҳисобланади. Ушбу қисмда респондентга бериладиган барча саволлар ва жавоб варианtlари кўрсатилади. Ахборот қисми анкетада кириш қисми, яъни респондентга йўналтирилган илтимос шаклидаги мурожаатдан кейин жойлаштирилади. Саволлар респондентнинг она тилида (ўзбек, рус, қорақалпок) улар томонидан ўкиш мумкин бўлган шрифт, интервал ва ўлчовда чоп этилади.

Мисол сифатида қуйидаги социологик анкета ахборот қисмининг бир бўлаги келтирилади:

---

## «ОИЛАВИЙ АЖРАЛИШЛАР САБАБЛАРИГА ОИД ЖАМОАТЧИЛИК ФИКРИ» СҮРОВ АНКЕТАСИ

... (КИРИШ ҚИСМИ)

... (РЕКВИЗИТ ҚИСМИ)

1. Сиз инсон ҳаётида оиланинг ролини кандай баҳолайсиз?

- Оила муқаддас ҳисобланади.
- Ҳаётда оиланинг ўрни иккинчи даражали.
- Инсон баҳти оиласа боғлиқ.
- Баҳтли ҳаёт учун оила муҳим эмас.

2. Сизнингча оилаларнинг ажралишига асосий сабаб бўйлаётган ҳолатлар қайсилар? (бир нечта жавобни белгилашингиз мумкин).

- Турмуш ёшининг эрталиги.
- Оилалардаги маишний муаммолар.
- Ишсизлик, маошнинг пастлиги.
- Эр-ёки хотиннинг хиёнати.
- Эр-хотиннинг бир-бирига ён бермаслиги.
- Қайнона ва келин ўртасидаги келишмовчилик.
- Келин-куёв томонидан ўз мажбуриятларини билмаслиги, масъулиятызлиги.
- Оила ҳақидаги маънавий тушунчаларнинг шаклланмаганлиги.
- Ота-оналарнинг беътиборлиги.
- Ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолиятидаги камчилик.
- Ичкиликбозлик, гиёҳвандлик ва оиласда тез-тез бўладиган жанжаллар.
- Бошқа \_\_\_\_\_

...

---

Турли шаклдаги саволларни шакллантириш технологияси билан кейинги параграфда танишасиз.

#### **4. Паспорт қисми**

Анкета сўрови аноним равишда ўтказилсада, сўровда иштирок этаётган респондентларнинг ижтимоий-демографик ва касбий-малакавий тавсифи тўғрисида айрим маълумотларни олиш мумкин. Одатда, инсонлар кўпинча аниқ исм-шарифлари ва яшаш манзиллари тўғрисидаги ахборотларни сир тутишади. Сўров давомида анкета сўровномасининг анонимлиги респондентлар томонидан факат ана шундай маълумотларни айтмаслик шарти билан белгиланади. Бироқ, уларнинг ёши, жинси, маълумоти, касби, оилавий ҳолати тўғрисидаги маълумотларни олиш учун анкетага

“паспорт қисми”ни киритиш мумкин. Паспорт қисми анкетанинг ахборот қисмидан кейин “Саволларимизга самимий жавоб берганингиз учун миннатдормиз, энди ўзингиз тўгрингизда биз билан фикр алмасишингизни илтимос қиласиз” деган кичик бир мурожаат орқали “Жинсингиз, ёшингиз ....” каби саволлар орқали шакллантирилади.

Аксарият гарб социологлари анкета сўровида иштирок этган респондентларнинг демографик таркибини статистик таҳлил қилишни осонлаштириш учун паспорт қисми-ни ахборот қисмидан олдин респондентларга қаратилган саломлашиш мурожаатидан кейин киритиш кераклигини уқтиришадилар. Нега биз таклиф қилаётган ёндашувга кўра паспорт қисмини анкетанинг ахборот қисмидан кейин жойлаштириш маъқул ҳисобланади? Шуни эътиборга олиш керакки, анкета сўровида иштирок этаётган фуқаролар жавобининг объективлигига уларнинг этнохудудий стереотиплари таъсир кўрсатади. Гарб ахолисининг психологияси шарқ ахолисиникидан принципиал фарқ қиласи. Гарб ахолиси ўзи тўғрисидаги маълумотларни яширмайдиган, давлат органларига кескин равишда ўз мурожаатини маълум қиласидиган, ўз сиёсий кайфиятидаги ўзгаришларни яширмайдиган хусусиятларга эга. Шунинг учун улар анкетанинг бошлинишидаёқ ўзи тўғрисидаги маълумотларни кўрсатиб ўтиши мумкин. Шарқ ахолисининг психологияси эса бундай эмас. Шу сабабли, агар паспорт қисми анкетанинг ахборот қисмидан кейин жойлаштирилса, респондентлар биринчи анкетадаги мурожаатномани ўқиб ўзига нисбатан ҳурмат-эътибор хиссиятини ҳис қиласи, кейин анкетадаги умумийликдан хусусийликка қараб тузилган саволларга кетма-кет жавоб бериш давомида улардаги уятчанлик, тортинчоқлик, ёпиқлик блокировкаси секинлик билан ечилади. Саволларга жавоб бериш давомида мустакил фикрлайдиган ҳолатга келади ва бир қанча саволга ўзининг мустакил фикрини белгилаб бўлгач, ўзи тўғрисидаги айrim маълумотларни билдириб ўтиши осон кечади ҳамда унчалик шубҳа туғдирмайди.

Мисол сифатида қўйидаги социологик анкетанинг паспорт қисми келтирилади:

---

## «ЎЗБЕКИСТОНДА МЕДИА-ИСТЕМОЛИ» СЎРОВ АНКЕТАСИ

- ... (КИРИШ ҚИСМИ)
- ... (РЕКВИЗИТ ҚИСМИ)
- ... (АХБОРОТ ҚИСМИ)

САВОЛЛАРИМИЗГА САМИМИЙ ЖАВОБ  
БЕРГАНИНГИЗ УЧУН МИННАТДОРМИЗ, ЭНДИ  
ЎЗИНГИЗ ТЎГРИНГИЗДА БИЗ БИЛАН ФИКР  
АЛМАШИШИНГИЗНИ ИЛТИМОС ҚИЛАМИЗ:

### 29. Сизнинг жинсингиз?

Аёл	
Эркак	

### 30. Сизнинг ёшинингиз?

18-35	
35-45	
45-60	
60 ва ундан юқори	

### 31. Ҳудудий яшаш шароитингиз?

Шаҳар, вилоят маркази	
Туман маркази	
Туман шаҳарчаси	
Кишлоқда	

### 32. Ҳозирги вактда сизнинг асосий қасбингиз нима?

Малакали ишчи, шу жумладан, қишлоқ хўжалигида	
Малакасиз ишчи, шу жумладан, қишлоқ хўжалигида	
Армия, ички ишлар идораларида ва бошқа идораларда ҳарбий хизматчи	
Ишбилиармон, тадбиркор, фермер	
Давлат хизматчиси, маъмурий идоралар ишчиси	

Олий маълумотга эга бўлмаган хизматчи (котиб, офис ходими, сотувчи)	
Ўз шахсий таморқа хужалигимда ишлайман	
Ишсиз, иш қидирувчи	
Ўкувчи, талаба	
Нафақаҳўр	
Уйдаги юмушлар билан банд, икки ёшгача бола тарбияси таътилида	
Бошқа	

### 33. Сизнинг маълумотингиз?

Ўрта	
Ўрта маҳсус	
Тугалланмаган олий	
Олий	

---

### 5. Хулоса қисми

Хулоса қисми анкетанинг охирги элементи бўлиб, анкета саволларига жавоб берган респондентларни психолого-тик риф'яни максадида киритилади. Одатда қиска шаклда, масалан “Сўровимизда иштирок этганингиз учун миннатдормиз” ёки бошқа шунга ўхашаш гаплар тарзида шакллантирилади. Тўғри, хулоса қисми анкета сўрови на-тижаларини умумлаштириши ҳамда жамоатчилик фикрини таҳлил қилишда ҳеч қандай роль ўйнамайди. Бирок, сўров ўтказган ташкилот имижини ушлаб туриш ҳамда респондентлар иштирок этиши мумкин бўлган кейинги сўровлар тақдирини ўйлаган ҳолда анкетага, албаттa, хулоса қисми киритилиши керак.

Анкета сўровномаси тузиб бўлингач, унинг сифатини янада ошириш мақсадида анкета тузилишини куйидаги мезонлар асосида кайтадан текшириб кўриш керак:

1) анкетадаги саволлар оддийликдан мураккабликка қараб жойлаштирилганми? Биринчى муроқот ўрнатувчи са-

воллар, кейин эса саволлар мураккаблик даражасидан келиб чиқиб давом этиши керак;

2) анкетада олдин келаётган саволлар кейин келаётган саволлар мазмунига таъсир этмаяптими?

3) анкетадаги саволлар блоклари “дикқат кўчирувчилари” билан таъминланганми? Айрим анкеталарда саволлар кўп ёки мураккаб бўлганлиги сабабли респондентни рағбатлантириш ҳамда чарчатиб кўймаслик учун анкета сўровномасини дикқат кўчирувчи гаплар, мурожаатлар ҳамда огохлантиришлар билан тўлдириш мақсадга мувофиқдир. Масалан: “... тўгерисида қимматли фикрингизни билишини хоҳлардик”, “охирги саволларимиздан бирига жавоб берсангиз, ...”, “айтингчи, сизнинг фикрингизча ...” ва х.к.;

4) анкета сўровномасида фильтр саволи қўйилганми? Фильтр саволи респондентни айнан ўрганилаётган муаммо “ташувчиси” ёки йўқлигини билиб олиш учун керак. Масалан, биз хориждан қайтган ёшларнинг орасидан фақат тиббиёт ўқув юртларида ўқиб қайтаётганлари қизиқтирса, унда фильтр савол бўлиб “Хорижда қайси таълим масканида ўқидингиз?” саволи саналади. Яъни, ушбу савол орқали хориждан қайтаётган респондентларни фильтрлаб, фақат тиббиёт соҳасида ўқиб келганларини саралаб оламиз. Одатда, фильтр саволини анкетага жойлаштиrsa ҳам бўлади, ёки жойлаштирмасдан респондентларга ушбу саволни оғзаки тарзда берса ҳам бўлади;

5) анкетани чоп этишда техник хатоларга йўл қуйилмаганми? Бунда анкетанинг барча мантли блоклари жойида эканлиги, вараклар алмашиб кетмаганлиги, қўпол грамматик, орфографик хатоларнинг йўқлиги, ҳарфларнинг катталиги турли тоифадаги респондентларнинг ўқиши учун кулагайлиги каби талаблар асосида қайтадан текширилади.

## 2.2.

## Анкета саволлари шакллари

Анкета саволларининг шакллари сўровда олинаётган маълумотларнинг ишончлилик ва тўлиқлилик даражасига бевосита таъсир кўрсатади.

Психология ва социологияда анкета саволларининг бир қанча шакл ва турлари тўғрисида ёндашувлар кўп. Шулардан айнан респондентлар билан анкета сўрови ўтказишида ҳамда социологик амалиётда осонроқ кўллаш мумкин бўлган турлари тўғрисида тўхталиб ўтамиз.

Анкета саволлари асосан 2 гурухга бўлинади: очиқ ва ёпиқ типдаги саволлар. Қуйида ҳар иккала типдаги саволларни кўллаш техникаси билан таништирамиз.

### **Очиқ типдаги саволлар**

*Очиқ типдаги саволлар* деганда жавоб варианtlари келтирилмаган ва респондент томонидан маълум муаммо ёки воқеа юзасидан эркин тарзда ўз фикрини ёзиш назарда тутиладиган саволлар тушунилади.

Бундай типдаги саволлар асосан олдиндан тизимлаштириш шарт бўлмаган ёки респондентнинг айнан қандай жавоб бериши мумкинligини моделлаштиришнинг имконияти чекланганда тузилади. Бунда савол тузиш техникасига кўра биринчи савол берилади ва саволдан кейин икки нуқта (:) ишорасини қўйиб респондентга ўз фикрини бемалол баён килиши учун жой қолдирилади.

Очиқ типдаги саволлар кўллаш контекстига кўра матнли, номинал ва миқдорий савол шаклида бўлиши мумкин.

**Матнли савол.** Ушбу савол респондент томонидан эркин фикрлаб маълум муаммо ёки ҳолат юзасидан ўз фикрларини кенг тарзда баён қилиш учун шакллантирилади.

Мисол сифатида қуйидаги матнли саволларни кўриб чиқишимиз мумкин:

1-вариант. Бахти оила деганда қайси оилани тушунасиз? Илтимос, фикрингизни баён қилинг: \_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_

2-вариант. Нима деб ўйлайсиз, Ўзбекистонда оиласий ажралишиларни камайтириши учун давлат бундай оилалар-

га қандай ёрдам күрсатиши керак? Илтимос, фикрингизни баён қилинг:

---

---

---

**Номинал савол.** Респондент томонидан маълум ҳолат юзасидан қисқача ўз фикрини баён этиши учун керак. Одатда, бундай саволга бериладиган фикр бир нечта кичик сўзлардан иборат бўлади.

Мисол сифатида куйидаги номинал саволларни кўриб чиқишимиз мумкин:

1-вариант. Оиласарга ёрдам күрсатувчи қайси давлат идоралари тўхрисида маълумотга эгасиз?: \_\_\_\_\_

---

2-вариант. Айтингчи, оила аъзоларингиз кимлардан иборат?: \_\_\_\_\_

---

3-вариант. Айтингчи, турмуши ўртогингиз хулқининг айнан қайси жиҳатлари сизни қатноатлантирумайди? \_\_\_\_\_

---

---

**Миқдорий савол.** Ушбу савол респондентни факат маълум миқдорни баён этишга ундаш ва энг қисқа жавоб олишга йўналтирилади.

Мисол сифатида куйидаги номинал саволларни кўриб чиқишимиз мумкин:

1-вариант. Неча марта сиз истиқомат қилувчи туман ёки шаҳардаги “Оила” марказига мурожсаат қилгансиз?: \_\_\_\_\_

2-вариант. Турмуши ўртогингиз билан қанчадан бери биргаликдаги турмушидасиз?: \_\_\_\_\_

### Ёпиқ типдаги саволлар

Ёпиқ типдаги саволлар деганда анкета сўровномасига киритилаётган саволлар кутилаётган тахминий жавоб вариянтлари билан биргаликда келтириладиган саволлар тушунилади.

Ёпиқ саволлар, ўз ўрнида, икки гурухга бўлинади: *классик ва шкалали саволлар*. Классик саволларда респондентларнинг жавоблари кўпроқ ўзига хос шаблон ёки стандартлар асосида олинади ва турли респондентлар жавоблари бир шаблон ёки стандарт асосида миқдорий таҳлил қилинади. Шкалали саволлар эса кўпроқ психологик характер касб этиб, респондентлардаги фикрлар уларнинг стереотиплари, қарашлари, кайфияти ва бошқа эмоционал-психологик кўрсаткичларига қараб даражалар ва ёки шкалалар асосида тизимлаштирилади.

Энди, классик ва шкалали ёпиқ саволлар турлари ҳамда уларни шакллантириш техникаси билан таништирамиз.

Классик ёпиқ савол шакллари

**Дихотомик савол.** Респондентнинг аниқ вазият ёки воқеа-ходиса юзасидан хабардорлик, иштирок этганлик ёки таалтуқлилик ҳолатини аниқлаш мақсадида шакллантирилади. Одатда бундай саволга бериладиган жавобда респондент фикрга ёки қўшилади, ёки инкор этади, ёки бефарқлигини маълум киласди.

Кўллаш техникасига мисоллар:

1-вариант: *Давлат томонидан ёши оиласлар учун ажратилган имтиёзли кредитлардан хабарингиз борми?*

ха;

йўқ.

2-вариант: *Агар мутасадди ташкилотлар томонидан оиласандаги низони ҳал қилишга ёрдам кўрсатилса, турмуш ўртогингиз билан биргаликда фаровон яшаб кета оласизми?*

ха;

йўқ;

билмайман.

**Ярим ётиқ савол.** Саволга жавоб вариантлари ишлаб чиқылғандан сүнг, агар респондент томонидан билдириш мүмкін бўлган барча вариантларнинг кўзда тутилганлигига ишонч бўлмаса ёки респондент томонидан янада тўлиқроқ маълумот олиш мумкинлигига эҳтимол қилинса тузилади. Бунинг учун саволга жавоб вариантларини бериб бўлгандан сүнг, охирги жавоб қаторида респондент томонидан қўшимча маълумот ёзиш учун алоҳида жой қолдирилади.

Кўллаш техникасига мисоллар:

1-вариант: Сиз неча ёйдан турмуши қургансиз ?

18 ёшгача;

18-19 ёш;

20-25 ёш;

25-30 ёш;

ўзингиз ёзинг: \_\_\_\_\_

2-вариант: Сиз бирор марта ёрдам сўраб “Оила” марказига мурожсаат қилганмисиз?

Ҳа, мурожсаатим яхши қаноатлантирилган;

Ҳа, мурожсаатим нотўлиқ қаноатлантирилган;

Ҳа, бироқ мурожсаатим қаноатлантирилмаган;

Йўқ, зарурат бўлмаган;

Мурожсаат қилганимда улардан ёрдам оломаганман;

Ёрдам бершиига ишончим йўқ;

Жавоб бершиим қишин;

Илтимос, агар бошқа жавобингиз бўлса, ўзингиз ёзинг: \_\_\_\_\_

---

**Муқобил савол.** Саволга респондент билдириши мумкин бўлган барча жавоблар шаблони келтирилади. Респондент томонидан ушбу жавоблардан факат биттасини белгилаш назарда тутилади. Айнан ана шу савол юзасидан респондент томонидан икки ёки ундан кўп жавобни белгилаш ёки жавоблардан ташқари тарзда қўшимча маълумот бериш имконияти чекланади.

Күллаш техникасига мисоллар:

...1-вариант: Сиз турли телеканалларни құршии имкониятiga эга бўлиши учун қандай воситадан фойдаланасиз ?

- Оддий антенна;
- Спутник антенна;
- Пуллик кабель телевидениеси;
- Кұршии имкониятiga эга эмасман.

2-вариант: Айтингчи, Сиз борган мамлакатда бошқа давлатлардан келган фуқароларга вактингчалик яшаши учун жой топишда, рўйхатга ва миграцион ҳисобга қўйши, иш топишда кўпроқ кимлар қўмаклашади?

- Ўша давлатдаги расмий идоралар;
- Ўша давлатдаги инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи нодавлат ташкилотлар;
- Ўша давлатда доимий яшовчи обрўли миллатдошлиари ва ватандошлиари томонидан қонуний ташкил этилган бирлашма ёки уюшмалар.
- Ўша давлатда олдинроқ бориб шига жойлашган бир вилоятдан ёки шаҳардан келган фуқаролар, ёки маҳалладоши, қишлоқдошлиар.

**Меню саволи.** Саволда респондент билдириши мумкин бўлган барча жавоблар шаблони келтирилади. Респондент томонидан ушбу жавоблардан бир нечтасини белгилаш имконияти яратилади. Шунинг учун ҳам у “меню”га ўхшатилади.

Күллаш техникасига мисоллар:

...1-вариант: Айтингчи, Сиз асосан телевидение орқали қандай теледастурларни томоша қилишини афзал кўрасиз? Бир қанча жавоб вариантини белгилашингиз мумкин.

- Ўзбекистон ва дунёда юз берган воқеа-ҳодисалар ҳақидаги янгиликлар;
- Сиёсий ва ижтимоий мавзуларга оид кўрсатувлар;
- Маҳаллий ва хорижий фильмлар, сериаллар;
- Мусиқий ва спорт дастурлари, ток-шоу, телевийнлар;
- Товар ва хизматлар тўғрисидаги кўрсатувлар, фойдали маслаҳатлар;

□ Табиат ва ҳайвонот, фан-техника ва бошқа илмий-үкүв теледастурлар.

...2-вариант: Айтингчи, Сиз борган мамлакатда янгидан мослашии даврида күпроқ қандай муаммоларга дуч келдингиз? Уйбу савол бўйича бир қанча жавоб вариантини белгилашингиз мумкин.

□ Ўша давлат маҳаллий аҳолисининг меҳмондўст эмаслиги;

□ Полиция ходимларининг пул таъмагирлик қилиши;

□ Миграция хизмати ходимларининг қўйполлиги ва жуда кўп текширувлар, рейdlар ўтказиши;

□ Иш берувчи томонидан тақдим этилган яшаши жойида одам кўплиги сабабли тиқилинч ва ноқулай вазият;

□ Иш жойида сифатли овқатланиши имкониятининг ўқилиги;

□ Бошқа давлатлардан келиб ишилаётганларга сифатли тиббий хизмат кўрсатилмаслиги;

□ Бошқа давлат фуқароларига миллатчилик қиласидиган алоҳида кўча тўдаларининг борлиги.

### Шкалали ёпиқ савол шакллари

**Лайкерт шкаласи асосидаги савол.** Респондентларнинг бирор фикрга қўшилиш ёки қўшилмаслик даражасини билишга йўналтирилган. Одатда Лайкерт методикасида фикрга қўшилиш даражасини белгиловчи 5 та шкала бўлади. Шундан ўрта шкала нейтрал саналади ва савол юзасидан фикрнинг мавжуд эмаслигини кўрсатади. Шкалаларда “кўшилман/кўшилмайман”, “розиман/норозиман”, “тўғри/нотўғри” ёки бошқа шунга ўхшаш хукмлар даражаланиб чиқади.

Кўйида хорижда ўқиб келган ёшларнинг ижтимоий қадриятларини ўрганиш мисолида ушбу техника бўйича шакллантирилган савол келтирилади:

Кўйидаги фикрларни ўқиб уларга қай даражада қўшилишингизни белгиланг:

1. Хорижда олий таълим муассасасида ўқии давомида ёшларнинг ижтимоий қадриятлари сезиларли даражада

ўзгаради.

- тұлғық құшиламан;
- құшиламан деса ҳам бұлади;
- жавоб беришім қийин;
- құшилмайман деса ҳам бұлади;
- мұтлақо құшилмайман.

2. Хорижий мамлакатдағымда үз сиёсий дүнекара-  
шимни қайсидир маңнода үзгарған деб ҳисоблайман.

- тұпна-тұғри;
- қисман тұғри;
- жавоб беришім қийин;
- қисман нотұғри;
- мұтлақо нотұғри.

**Оғыуд шкаласи асосидаги савол.** Ушбу шкала семантик дифференциал асосида түзилади. Шкаланың мақсади – маълум күрсаткыч ёки омилни респондент назарига күра баҳолаш. Бунинг учун саволға респондент томонидан баҳолаш учун иккита бир-бирига қарама-қарши омил, яғни антонимлар күрсатылади. 1 дан 3 гача ижобий баҳо күтарилиб борилса, -1 дан -3 гача салбий баҳо ҳам күтарилиб борилади. Бунда 0 - нейтрал шкала саналади.

...Мисол тариқасида ахоли вакиллари томонидан фуқароларнинг үзини үзи бошқари идораси ходимларининг айрим ҳислатларига үз баҳонгизни беринг. Маслаҳат: Илтимос, ҳар бир жавоб шкаласидаги битта даражасы танланған да оңрачага олиб қўйинг. 0 интервалидан чапга қараб (1, 2, 3) ижобий, ўнга қараб (-1, -2, -3) салбий баҳо даражалари берилади:

Сиз яшаб турған маҳалладаги фуқароларнинг үзини үзи бошқари идораси ходимларининг айрим ҳислатларига үз баҳонгизни беринг. Маслаҳат: Илтимос, ҳар бир жавоб шкаласидаги битта даражасы танланған да оңрачага олиб қўйинг. 0 интервалидан чапга қараб (1, 2, 3) ижобий, ўнга қараб (-1, -2, -3) салбий баҳо даражалари берилади.

**Махаллий фуқаролар билан мұомаласи**  
хүшмұомала 3 2 1 0 -1 -2 -3 құпол  
**жасоат жойларидаги үзини түтиши**  
маданиятты 3 2 1 0 -1 -2 -3 маданиятсиз  
**ўз маңыбияттарини билиш даражаси**  
білади 3 2 1 0 -1 -2 -3 білмайди  
**ижтимоий-сиёсий ислоҳотлардан хабардорлық даражаси**  
сиёсий фаол 3 2 1 0 -1 -2 -3 сиёсий сұст

**Терстоун шкаласи асосидаги савол.** Бир хил ҳодиса-нинг турли элементларидан респондентларнинг қониқиши даражасини билиш мақсадида құлланилади. Бунинг учун бир вақтнинг ўзида ҳам ижобий, ҳам салбий бўлиши мумкин бўлган ва бир хил ҳодисанинг турли кирраларини очиши мумкин бўлган бир қанча кўрсаткичлар ишлаб чиқила-ди. Респондентга ҳар бир кўрсаткич бўйича қониқиши ёки қониқмаслик билан боғлиқ бирор шкаланни белгилаш сўра-лади. Шкалалар 5 та бўлиб, мутлақо қониқмаганлик ҳолатидан мутлақо қониққанлик ҳолатига қараб 1 дан 5 гача қараб ўсиб боради. Бунда 3 нейтрал шкала саналади.

... Мисол тариқасида “Фуқароларнинг сиёсий партиялар фаолиятига муносабати” мавзуси доирасида Терстоун шкала-си асосида шакллантирилган қуйидаги савол келтирildи:

*Куйида келтирилган ҳар бир кўрсаткич бўйича сиз аъзо бўлган сиёсий партия фаолиятидан қониқиши даражсангизни белгиланг ва доирачага олиб қуйинг.*

<i>Күрсактың</i>	<i>Үмүмшар қонкүтил- майдын</i>	<i>Ассоцан қонкүтил- майдын</i>	<i>Конкүтиради деса ҳам бұлады, қонкүтилмайдын деса ҳам</i>	<i>Ассоцан қонкүтирады</i>	<i>Тұпик қонкүтилірады</i>
<i>Дастуруй базылары</i>	<i>1</i>	<i>2</i>	<i>3</i>	<i>4</i>	<i>5</i>
<i>Сиёсий страгегиси</i>	<i>1</i>	<i>2</i>	<i>3</i>	<i>4</i>	<i>5</i>
<i>Таргебол фаолияти</i>	<i>1</i>	<i>2</i>	<i>3</i>	<i>4</i>	<i>5</i>
<i>Лидерлар жаралаты</i>	<i>1</i>	<i>2</i>	<i>3</i>	<i>4</i>	<i>5</i>
<i>ОАВдағы чиқыншылары</i>	<i>1</i>	<i>2</i>	<i>3</i>	<i>4</i>	<i>5</i>
<i>Ешапар биілсан шылдаши</i>	<i>1</i>	<i>2</i>	<i>3</i>	<i>4</i>	<i>5</i>
<i>Боңғақ партиялар білсан рахобдаты</i>	<i>1</i>	<i>2</i>	<i>3</i>	<i>4</i>	<i>5</i>
<i>Пәнситимой сүйесатдағы шылдарды</i>	<i>1</i>	<i>2</i>	<i>3</i>	<i>4</i>	<i>5</i>
<i>Парламенттедеги фракция ҳарқаты</i>	<i>1</i>	<i>2</i>	<i>3</i>	<i>4</i>	<i>5</i>

2.3.

### Анкета саволларини шакллантириш қоидалари

Инсон томонидан бериладиган савол шунчалар турли, ақлли ёки аксинча, бир-бирига зид ва сафсатали бўлиши мумкин. Ундан ташқари, баъзи ҳолларда биз томонимиздан шошилинч, ўйламасдан, асосланмасдан тузилган саволлар бирор-бир жавобни талаб қиласлиги ва ҳатто, баъзи ҳолларда сўралаётган шахсни мушкул аҳволга ёки мантиққа тўгри келмаслиги билан таажжубга солиши мумкин.

Ушбу хилма-хилликни таҳлил қилиб, анкета сўровида нимани сўраш мумкин, нимани эса ҳеч қандай ҳолатда сўраш мумкин эмаслигини аниқлаб олиш жуда муҳимдир. Саволлар бериш санъати – бу мураккаб иш. Айнан қайси-ларини, айнан кимга, қаерда ва қайси вақтда бериш мумкинлигини билиш даркор. Кундалик ҳаётда қайтадан сўраш, аниқлаштириб олиш, сухбатга киришиш имконияти доим бор. Респондентлар билан анкета сўровини ўтказиш эса – бошқа нарса.

*Анкета саволларини шакллантиришида эътиборга олиш керак бўлган энг биринчи маслаҳат: дастлаб респондентлардан қандай аҳборот олиш мумкинлигини белгиланг ва уларни анкета саволларига айлантиришининг самарали технологиясини топинг.*

Анкета саволини тузишдан аввал, ўзингиз учун, муаммоларнинг барча жиҳатлари, ҳаттоқи ҳеч қандай жавоб талаб қиласлидиганлари ҳам инобатга олинганлигини аниқлаштириб олинг. Сўнгра кейинги босқичга ўтса бўлади – саволларни шакллантириш, ибораларни тўғрилаш, анкетадаги саволлар кетма-кетлигини белгилаш. Шуни эътиборга олиш керакки, савол мазмуни авваламбор манфаатдор шахс (тадқикотчи, таҳлилчи)ни қизиқтиради, унинг шакли, тили ва услуби эса – респондентни! Сизни одамнинг хабардорлиги даражаси қизиқтиради, унга эса айнан шуни тан олиш нокулай. Демак, мақсадингизни бир оз яширинг, уни ўз сухбатдошингиз учун таниш кўринишда ифодаланг (масалан,

очиқ савол ўрнига ёпиқ ёки тўғридан-тўғри савол ўрнига билвосита савол беринг).

Анкета сўровномаси агар қуйидаги учта (индикаторлик, коммуникатив ва инструментал) функцияни бажара олса, ўшандагина самарали технология асосида шакллантирилган бўлади.

**Индикаторлик функцияси** шуки, ҳар бир савол бошқа муаммога алоқадор бўлган ахборот эмас, балки қидирилаётган маълумот олинишини таъминлаши керак. Бу борада ҳар бир саволни тузатганда унга индикатор, яъни миқдорий кўрсаткичга қарагандек ёндашиш керак. Бунда ҳар бир савол бўйича олинган жавобларни умумлаштирганда тадқиқот учун керак бўлган маълумот ҳосил бўлиши керак. Масалан, агар респондентларга “ёшингиз нечидা?” ёки “жиснингиз нима?” деган оддий саволлар берилса, ушбу саволлар бўйича олинган жавоблар респондентларининг ижтимоий-демографик тузилиши тўғрисидаги бирламчи маълумотларни ҳосил қиласи.

Саволнинг **коммуникатив функцияси** респондент билан тадқиқотчи ўртасида виртуал ижтимоий-психологик мулоқотни ўрнатиш ва ривожлантириш билан ифодаланади. Бу борада анкетадаги саволлар орқали кўпроқ респондентга мурожаат, илтимос қилиш ёки унинг ҳалоллигига ургу бериш керак. Бунинг учун “Айтингчи, ...”, “Сизнингча...”, “Нима деб ўйлайсиз, ...”, “Ўз фикрингиз билан ўртоқлашинг”, “Илтимос, бу борадаги ўз самими фикрингизни билдиринг” каби мурожаат сўз ибораларидан фойдаланиш мумкин.

Анкета сўрови давомида респондент ўзини ўз қиёфасида ҳис қилиши учун савол мазмуни ва баён қилиш усули респондентнинг кундалик лексикасига айлантирилиши керак. Ундан ташқари, саволлар ҳажм нуқтаи назарига кўра респондентларнинг айрим психологик хусусиятлари: уларнинг хабардорлиги ва билиши, хотираси ва таҳлилий қобилиятига мослаштириш максадга мувофиқ саналади. Назаримизда, саволлар тузишда тажрибали маркетологлар томонидан берилган қуйидаги маслаҳатларга кулоқ тутишимиз керак: анкета саволлари аниқ бўлиши керак; савол тақозо

этадиган жавоблар шакли ёзиш учун қулай бўлиши лозим; савол фақат битта предмет ҳақида берилиши лозим; савол имкон қадар қисқа ва лўнда бўлиши лозим, агар савол узунроқ тузилса, унда унинг асл моҳияти тушунарли тилда баён этилиши лозим; саволлар тўғри ва аниқ жавобларни келтириб чиқариши лозим.

Социологик анкетанинг коммуникатив функциясига саволларнинг шакллари катта таъсир кўрсатади. Юқоридагилардан маълум бўлдики, анкета сўрови асосан ёпиқ саволлар асосида ўтказишга йўналтирилган. Анкета тузилаётганда имкон қадар очиқ саволларни кўпайтириб юбормаслик керак. Агар очиқ саволлар кўпайиб кетса, унда анкета сўровини ўтказиш бефойда. Чунки, бу оғзаки сухбат тартибига ўхшаб қолади, яъни респондент фақат ўзи фикрлаб, ўзи жавобларни шакллантиришига тўғри келади. Бу эса, улар учун маълум вақт ва машаққатни талаб этадиган иш бўлиб кўриниши мумкин. Ёпиқ саволлар эса уларга фикрларни жамлаш ва тизимлаштиришга ёрдам беради.

Шкалалар асосида тузиладиган ёпиқ саволларнинг афзаллиги шундаки, респондентлар томонидан маълум савол юзасидан ўз фикрини яшириш ёки айтмаслик имконияти чекланган. Чунки, шкалалардаги даражалар уларни ўз баҳоларини беришга ундайди ва ҳар қандай шкаладаги баҳо ҳам тадқиқот бўйича муайян маълумотни шакллантиради.

Умуман олганда, анкета сўровномасининг коммуникатив функцияси сўровда иштирок этадиган таҳлилчи ва респондент ўртасида симпатия, хурмат ва ишонч ҳис-туйғуларини яратишига йўналтирилган.

Саволнинг *инструментал функцияси*, саволнинг ўлчов имкониятлари, саволлар блоклари асосида шакллантириладиган шкала ва индексларни тузишга қўйиладиган махсус талабларга риоя қилиш билан боғлиқ. Яъни, саволларга илова қилинаётган жавоблар вариантлари маълум кўрсаткич, индекс ёки шкала асосида ўлчанадиган бўлиши лозим. Бунинг учун анкета саволлари ва жавоблари қўйидаги инструментал талабларга жавоб бериши лозим:

1. Анкетадаги муайян савол бўйича жавоблар ишлаб чиқилаётганда барча эҳтимолий вариантлар кўриб чиқили-

ши ҳамда тўғри жойлаштирилиши лозим. Акс ҳолда, респондентлар ўзини хоҳлаган жавобини вариантлардан топа олмаса, бошқа бир жавоб вариантини белгилаши ёки анкетанинг ушбу саволини умуман белгиламаслиги мумкин. Бундай ҳолатда эса, жавобни ўлчаш қонунияти бузилади.

2. Жавоблар мазмуни юзасидан бир ўлчамли бўлиши керак. Масалан, савол сифатида “*бир ойда қанча маош оласиз?*” саволига жавоб вариантлари сифатида “1) 500 минг сўм; 2) 1 миллион сўм; 3) бир ойлик яшашим учун етарли миқдорда” жавоблари берилган бўлса, бунда ушбу вариантларда 3-жавоб ўлчов қонуниятини бузиб келмоқда. Чунки, 1 ва 2-жавоблар пул ҳажмини билдиrsa, 3-жавоб ойлик маошибдан қоникиш даражасини билдиromoқда.

3. Жавоблар бир-бирини рад этувчи хусусиятга эга бўлиши лозим. Бунинг учун битта саволга бериладиган жавоб вариантлари бир-биридан принципиал фарқ қилиши лозим. Саволлар бир-бирига жуда ўхшаш бўлса, респондент чалғиши ва тўғри жавобни кўрсатишга иккиланиши мумкин. Агар ушбу хато туфайли респондент ростдан ҳам нотўғри жавоб кўрсатса, унда ушбу жавоб варианти бўйича тўплangan маълумотларни нотўғри таҳлил қилишга олиб келади.

4. Агар жавобларни даражалаштириш зарурияти туғилса, улар респондент учун тушунарли шаклда асосланган бўлиши лозим. Масалан, “*Сиз “Ўзбекистон ҳаво йўллари” авиакомпанияси ходимлари томонидан Тошкент шаҳар ҳалқаро аэропортида фуқароларни қабул қилиши жараёнини ташкиллаштириши сифатига қандай баҳо берасиз?*” деган савол билан мурожаат қилиб, жавоб сифатида 1) аъло; 2) яхши; 3) қониқарли; 4) қониқарсиз вариантлари берилди, дейлик. Респондентлар қачонлардир “*Ўзбекистон ҳаво йўллари*” авиакомпанияси хизматидан фойдаланган бўлиши мумкин, бироқ улар авиакомпания ходимлари йўриқномаси билан таниш бўлмаслиги, ёки ҳаво қатновида чарчаганлиги, кайфиятининг йўқлиги сабабли ҳар қандай саволга салбий жавоб бериши мумкин. Кимнингдир назариде аэропортда қайсиdir ишларни ташкиллаштириш муаммо бўлиб кўринган бўлса, кимдир уни умуман пайқамаган бўлиши мумкин. Шу сабабли, бу каби даражали саволларга респондентлар

асосланмаган ва нохолисона жавоб бериши мумкин. Шунинг учун анкетада бундай саволлардан қочиш керак, уларни бошқача матнли кўринишда берган маъкул. Агар вазият талаб этиб, бундай саволлар киритилса, унда ҳар бир дараҷа нимани англатишини ёзма ёки оғзаки тартибда тушунтирилиши лозим.

5. Саволлар ва жавоблар имкон қадар кодланган бўлиши лозим. Анкетадаги саволлар тақсимланганидан сўнг, анкетадаги саволлар ва жавоблар вариантлари кодлаштирилади. *Кодлаштириши* – бу саволларга ва жавобларининг у ёки бу ифодаларига сонли кодлар бериш демакдир. Унинг вазифаси бирламчи ахборотни тартибга солиш ва кейинчалик статистик ишлов бериладиган компьютердаги маълумотлар базасига киритишни кулайлаштиришни таъминлашдан иборат.

Кодлаштиришни тамомлагандан сўнг ўзгарувчилар кодларининг кетма-кетлик рақамлари тартиби тўғрилигини текшириш керак. Агар сиз бир ёки иккита рақамни ўтказиб юборган бўлсангиз (масалан, 23 рақами остидаги ўзгарувчидан кейин 26 келаётган бўлса), бу маълумотлар базасида ҳар бир анкетада (қаторда) бир нечта позицияларни ноллар билан тўлдиришга тўғри келади. Анча катта ҳажм бўлгандা (сўралганлар сони бир неча юз бўлса), бу анча жиддий меҳнат ва вақт билан боғлиқ муаммоларни юзага келтиради.

Анкетадаги барча саволлар шакллантириб бўлингач, анкета сўровномаси тузилиши қуйидаги мезонлар асосида қайта кўриб чиқилиши ва зарур ҳолларда қайта таҳрир этилиши максадга мувофиқ:

✓ респондентларни жавоб беришдан бош тортишга ундовчи “жавоб беришга қийналаман”, “билмайман” каби жавоб вариантлари анкетада кўпайиб кетмаганми, агар бундай вариантлар бўлса, унда бошқа саволлар орқали ушбу масала юзасидан маълумот олиш имконияти яратилмаганми?

✓ айрим ёпик саволларга респондентлар томонидан кўшимча фикрини баён қилиш учун “бошқа жавоб” ёки “ўзингиз маълум қилинг” каби бандларни киритиш шарт эмасми?

- ✓ савол сўровда иштирок этадиган барча респондентлар учун тааллуклими ёки фильтр-саволларни жойлаштириш керакми?
- ✓ респондентга жавоб вариантини белгилаш техникаси кераклича тушунтирилганми?
- ✓ савол ва жавоб вариантларини ўлчаш шкаласи ўртасида мантиқий номувофиқлик йўқми?
- ✓ анкетада респондент учун тушунарсиз бўлиши мумкин бўлган атамалар йўқми, агар бўлса қандай қилиб савол ёки жавобнинг мазмунини бузмасдан ўзгартирса бўлади?
- ✓ саволларга бериладиган жавоб вариантлари жуда кўп эмасми (агар ростан жуда кўпайиб кетса унда саволни бошқа тематик блокларга ажратиш зарур)?
- ✓ саволлар респондентларга салбий эмоция ёки психологик дискомфорт чақирмайдими?

### 3. СОЦИОЛОГИК АНКЕТА НАМУНАЛАРИ

---

3.1.

**“Ёш оилалар турмуш даврида кенг учрайдиган муаммолар” мавзусида социологик анкета намунаси**

Сизнинг қуидаги йұналишлардаги фикр ва мұлоҳазаларингиз ёш оилалар турмушы давомида кенг учрайдиган муаммоларни илмий тадқиқ этиш ва уларга ечим топишига хизмат қиласы. Саволлардан кейин келадиган жавоблар орасыдан үзингизга мос рақамни доира билан ажратиб күрсатишингизни сүраймиз.

(Ушбу сұровнома оила құрган ва оилави ҳаётда яшаёттеган ёшлар томонидан тұлдырилиши учун түзилған. Оиласи ажерим билан яқун топғанлар учун анкетаны ажрашынча бұлған вақт мобайнидаги ҳолатдан келиб чиққан ҳолда тұлдыриши мақсадға мувофиқ)

#### **A. ЁШ ОИЛАДАГИ МУНОСАБАТЛАР ФАРОВОНЛИГИ**

##### **A. 1. Ўз ҳаёtingиздан қай даражада мамнунсиз?**

1. Тұлық мамнунман.
2. Қисман мамнунман.
3. Мамнунлигим ўрта даражада.
4. Қисман норозиман.
5. Умуман норозиман.

##### **A. 2. Оиланғиз қандай никохдан ўтган? (жар бир устунда биттә жавобни белгиланғ)**

Жавоблар	Сизнинг оиласи	Отаконангиз оиласи
1-ФХДЁ органидан ва шаръий никоҳдан ўтган		
2-Шаръий никоҳсиз ва ФХДЁ органи рўйхатидан ўтган		
3-ФХДЁ органи рўйхатидан ўтмай шаръий никоҳдан ўтган		
4-Шаръий никоҳсиз ва ФХДЁ органи рўйхатидан ўтмаган		
5-Ажрашган		

**A. 3. Сиз неча ёшда никоҳдан ўтгансиз?**

- 1. 17 ёшгача
- 2. 17
- 3. 18-22
- 4. 27 ёшдан кейин
- 5. Бошқа\_\_\_\_\_

**A. 4. Неча ёшда турмуш қуриш керак деб ўйлайсиз?**  
(битта жавобни белгиланг)

- 1. 17 ёшгача
- 2. 17-20
- 3. 20-22
- 4. 23-27
- 5. 27 ёшдан кейин
- 6. Бошқа\_\_\_\_\_
- 7. Билмайман

**A. 5. Айтинг-чи оила қуришдан аввал сизни ва турмуш ўртоғингизни асосан нималар, қандай манфаатлар қизиқтирган?**

(чар бир устунда учтагача жавобни белгилашингиз мумкин)

Жавоблар	Сизни	Турмуш ўртогингизни
1-шахсий фазилатлари, одоб-ахлоқи		
2-ижтимоий етуклиги/никоҳ қуришга тайёрлиги (хўжалик юрита билиши, оилани таъминлай олиши)		
3-ташқи кўриниши, ҳусни		
4-куда томоннинг моддий таъминланганлиги		
5-ота-онага қарам бўлмаслиги, мустақил фикрлаши		
6-маълумот даражаси		
7-ота-онанинг хоҳиши (ота-она танлови)		
8-динга эътиқоди		
9-миллати		
10-бошқа(ёзинг)		

**A. 6. Олингиздаги муносабатларни қандай баҳолайсиз?**

(ҳар бир устунда жавобни белгиланг)

Жавоблар	Турмуш ўртогингиз билан	Ота-онангиз билан	Турмуш ўртогингизнинг ота-онаси билан
1-жуда яхши			
2-яхши			
3-ўртача			
4-ёмон			
5-жуда ёмон			
6-жавоб беришим қийин			

**A. 7. Олингизда ким қарор қабул қиласди?**  
(ҳар бир қаторда битта жавобни белгиланг)

Жавоблар	1. Мен	2. Тұрмуш ўртогим	3. Тұрмуш ўртогим би-лан мен	4. Ота-онам	5. Қайно-та-қайнонам	6. Жавоб беришім кийин
1-Фарзандарни ўқитиша						
2-ТҮЙ-Маросымларни ўтка-зиша						
3-Фарзандаға исм күйиңдә						
4-Оила учун қалта миқдор-даги харидлар килиңдә						
5-ОҮР оға ўқыпта киришда						
6-Иш жойни танлашда						
7-Оилавий бюджетни бо-шқарипша						
8-Бошқа Мұхим масалаларда (өзине)						

**A. 8. Турмуш қуриш жараёнида “умр йўлдошни” ким танлагани маъқул деб ўйлайсиз? (битта жавобни белгиланг)**

1. Ота-она
2. Турмуш қураётган инсоннинг ўзи
3. Қариндошлар билан маслаҳатлашган холда
4. Бошқа \_\_\_\_\_
5. Билмайман

**A. 9. Оиласизда энг қўп учрайдиган қийинчиликлар/муаммолар?**

(бир нечта жавобни белгилашингиз мумкин)

1. Шахсий уй-жой йўқлиги
2. Моддий етишмовчилик
3. Қулай иш-жой йўқлиги
4. Турмуш-ўртоғимнинг қариндошлари билан келишмовчиликлар
5. Соғлиқ билан боғлиқ муаммолар
6. Болаларни боғчага жойлаштиришда муаммолар
7. Маданий ҳордик чиқариш учун шароит йўқлиги
8. Бошқа \_\_\_\_\_

**A. 10. Сизнинг оила аъзоларингиздан биронтаси қуидаги ҳолатларга дуч келганми?**

(бир нечта жавобни белгилашингиз мумкин)

Жавоблар	Сиз	Турмуш ўртоғингиз	Фарзандларингиз
1-оғзаки таҳқирлаш, хўрлаш, камситиш			
2-таҳдид қилиш, қўрқитиш			
3-оила ва дўстлар билан учрашишни тақиқлаш			
4-муҳим нарсаларни харид қилишга пул бер-маслик			

5-шахсий ишлар юза- сидан уйдан чиқиши тақиқлаш			
6-ўқишиш/ишга бориши такиқлаш			
7-маст ҳолатда зўравон- лик қилиш			
8-тан жароҳатлари ет- казиш			
9-бундай ҳолатлар куза- тилмаган			

**A. 11. Агар бундай ҳолат қузатилган бўлса, ким томо-  
нидан содир этилган? (бир нечта жавобни белгилашингиз  
мумкин)**

1. Турмуш ўртоги
2. Отаси
3. Онаси
4. Қайноаси (турмуш ўртогининг онаси)
5. Қайнотаси (турмуш ўртогининг отаси)
6. Ака-укаси, опа-синглиси
7. Қайнака-қайнукаси, қайнопа-қайнисинглиси
8. Бошқаёзинг

**A. 12. Агар бундай ҳолат қузатилган бўлса, ўзингиз  
ёки оила аъзоларингизга нисбатан бундай муносабат са-  
баблари нима?**

(бир нечта жавобни белгилашингиз мумкин)

1. Характерлар мос келмаслиги
2. Рашқ қилиш
3. Молиявий қийинчиликлар
4. Жабр кўрган оила аъзосининг тарбияси оғирлиги
5. Кўполлик ёки зўравонлик қилган кишининг шахсия-  
тидаги терслик
6. Можаро иштирокчилари муносабатларининг учинчи  
шахс томонидан атайлаб бузилиши
7. Ичкилик омили
8. Бошқаёзинг

9. Жавоб беришим қийин

**A. 13. Сизнингча, қандай сабаблар таъсирида ёш оиласалар орасида ажримлар содир бўлмоқда? (2 тагача жавобни белгилашингиз мумкин)**

1. Қизларнинг эрта турмушга узатилиши
  2. Йигитларнинг оилавий ҳаётга тайёр эмаслиги
  3. Моддий етишмовчиликлар
  4. Қайнона ва келин ўргасидаги келишмовчиликлар
  5. Оммавий маданият таъсири
  6. Бошқаёзинг \_\_\_\_\_
- 

**A. 14. Ёш оиласаларга ёрдам берувчи ташкилотлар борлиги ҳақида маълумотга эгамисиз?**

1. Xa
2. йўқ

**A. 15. Агар “ҳа” деб жавоб берган бўлсангиз, уларнинг қайси бирини биласиз? (ёзиб кўрсатинг)**

**A. 16. Сиз бирон марта ёрдам сўраб уларга мурожаат қилганимисиз?**

1. Йўқ, зарурати бўлмаган
  2. Мурожаат қилганимда улардан ёрдам ололмаганман
  3. Ёрдам беришига ишончим йўқ
  4. Жавоб беришим қийин
  5. Бошқаёзинг \_\_\_\_\_
- 

**A. 17. Агар йўқ бўлса нима сабабдан?**

1. Зарурат туғилмаган
  2. У ташкилотлар тўғрисида маълумотим йўқ
  3. Ёрдам беришига ишонмайман
  4. Жавоб беришим қийин
  5. Бошқаёзинг \_\_\_\_\_
- (ёзиб кўрсатинг)
-

## Б. ОИЛАНИНГ МАЬНАВИЙ ҚАДРИЯТЛАРИ

### Б. 1. Оилангиз учун қайси қадриятлар мухим?

(учтагача жавобни доира билан белигилашингиз мумкин)

1. Ота-оналар болалар учун намуна бўлишлари керак
2. Мехнатсеварлик
3. Соғлом турмуш тарзи ва овқатланиш маданияти
4. Оилада ва фарзанд тарбиясида масъулиятли бўлиш
5. Содиқлик, ҳалоллик
6. Мустақиллик
7. Зиёлилик
8. Кагталарни, ота-онани қадрлаш ва хурмат қилиш
9. Оилада тенг ҳукуқлилик, оиладаги вазифаларнинг тенг тақсимланганлиги
10. Бошқа \_\_\_\_\_
11. Жавоб беришм қийин

### Б. 2. Спиртли ичимликларга нисбатан муносабатингиз?

(чар бир устунда битта жавобни белгиланг)

Жавоблар	Сизнинг	Турмуш ўртогингизнинг
1-тез-тез истеъмол қиласман (ҳафтада бир неча марта)		
2-баъзан истемол қиласман бир ойда бир неча марта		
3-жуда кам ҳолларда истеъмол қиласман (йилига бир неча марта)		
4-Умуман истеъмол қилмайман		
5-жавоб беришга қийналаман		

### Б. 3. Ижтимоий нуқтаи назардан оиладаги хиёнатга муносабатингиз қандай? (битта жавобни белгиланг)

1. Бундай ҳолатлар кам, чунки бу кечириб бўлмайдиган масала

2. Бундай ҳолатлар баъзида учраб туради, уларни аниқлаш қийин
3. Бундай ҳолатлар одатдагидан кўп, қадриятлар ёмирилиш натижаси
4. Бундай ҳолатлар кўп, уларга жамият бефарқ
5. Жавоб беришим қийин

**Б. 4. Динга бўлган муносабатингиз? (ҳар бир устунда битта жавобни белгиланг)**

Жавоблар	Сизнинг	Турмуш ўргонгизнинг	Ота-онангизнинг
1-Мен динга эътиқод қилмайман			
2-Мен диний урф-одатларни биламан			
3-Мен доимий равища диний урф-одатларга амал қилиб келаман			
4-Мен учун дин жуда муҳимдир			
5-Жавоб беришга қийналаман			

**В. ИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИК**

**В. 1. Ҳозирги кунда нима билан бандсиз?**

(ҳар бир устунда истаганча жавобни белгилашингиз мумкин)

Жавоблар	Сиз	Турмуш ўргонгиз
1-Талаба		
2-Давлат муассасасида ишлайман		
3-Хусусий/нодавлат секторида ишлайман		

4-Тадбиркорлик билан шуғулланаман		
5-Жамоатчилык ишлари билан шуғулланаман		
6-Доимий иш-жойим йўқ, бошқа худудларга ишлагани бораман		
7-Доимий иш-жойим йўқ, бошқа мамлакатларга ишлагани бораман		
8-Бола тарбияси билан шуғулланаман		
9-Ишламайман ва ўқимайман <i>(В. З. саволга ўтинг)</i>		
10-Бошқа ёзинг		

## B. 2. Ойлик даромадингиз қанча?

*(Хар бир устуда битта жавобни белгиланг)*

№	Жавоблар	Сизнинг	Турмуш ўртогингизнинг
	300 000 сўмдан кам		
	300 000 – 500 000 сўмгача		
	1 000 000 – 2 000 000 сўмгача		
	2 000 000 – 3 000 000 сўмгача		
	3 000 000 сўмдан юқори		
	Доимий даромадим йўқ, бироқ ҳар ой 1 000 000 гача		
	Доимий даромадим йўқ, бироқ ҳар ой 1 000 000 дан юқори		
	Даромад йўқ, бошқа киши қарамоғида		

## B. 3. Қандай сабабларга кўра ишламайсиз?

*(хар бир устунда битта жавобни белгиланг)*

Жавоблар	Сизнинг	Турмуш
1-Ишлашни хоҳламаслик		
2-Соҳа бўйча иш йўқлиги		
3-Ҳеч қандай иш йўқлиги		
4-Бўш вакант жойлардаги иш хақи камлиги		
5-Ишлашга рухсат берилмаслиги		
6-Соғлиқ ёмонлиги туфайли		
7-Ногиронлик туфайли		
8-Бошқа ёзинг		

**В. 4. Сизнинг яшаш шароитингиз қандай? (Битта жавобни белгиланг)**

1. Шахсий уй/квартира
2. Ота-онамиз билан яшаймиз
3. Ижарада турамиз
4. Бошқа
5. Жавоб беришм қийин

**В. 5. Агар ота-онангиз хонадонида яшасангиз бунинг сабаби нимада деб ўйлайсиз? (Бир нечта жавобни белгиланингиз мумкин)**

1. Кулай, уй-хўжалик юмушларида, фарзанд тарбиясида кўмаклашишади
2. Ота-онанинг молиявий кўмаги учун
3. Бошқа уй-жой йўқ
4. Ота-она билан биргаликда яшаш менинг бурчим
5. Бошқа ёзинг
6. Жавоб беришга қийналаман

**В. 6. Оилангиз турмуш даражасини қандай баҳолайсиз?**

*(Битта жавобни белгиланг)*

1. Юқори даражада таъминланган – моддий томондан муаммолар йўқ

2. Ўрта даражада таъминланган – озиқ-овқат ва асосий эҳтиёжлар учун пул етарли

3. Кам таъминланган – пул фақат озиқ-овқат учун етади
4. Жавоб беришга қийналаман

**В. 7. Бүш вақтингизни қандай ўтказасиз?**

(Хар бир устунда бир нечта жавобни белгиләшиңгиз мүмкин)

№	Жавоблар	Сиз	Турмуш ўртоғингиз
	Телевизор күраман		
	Дүстлар орқали дам оламан		
	Телефон ёки компьютер орқали интернетдан фойдаланаман		
	Спорт билан шуғулланаман		
	Китоб ўқийман		
	Уй ишлари билан бандман		
	Бола тарбияси билан шуғулланаман		
	Бошқа ёзинг		
	Жавоб беришим қийин		

**В. 8. Интернетдан нима мақсадда фойдаланасиз?**

(Бир нечта жавобни белгиләшиңгиз мүмкин)

1. Интернетга уланмаганман
2. Чат оқали дүстларим билан гаплашаман
3. Керакли маълумот ва адабиётларни ўқийман
4. Компьютер ўйинлари ўйнайман
5. Мусиқа эшитаман, кино күраман
6. Тўловларни online тўлайман
7. Масофавий таълим олиш учун фойдаланаман
8. Янгиликлардан хабардор бўлиб бораман
9. Илмий мақсадларда фойдаланаман
10. Бошқа ёзинг \_\_\_\_\_

**В. 9. Сиз турмуш ўртоғингиз билан бўш вақтлариниңни қандай ташкил қиласиз? (Битта жавобни белгиланг)**

1. Ҳар биrimiz алоҳида тарзда, бир-биrimizning ишларимизга аралашмаган ҳолда
  2. Кўпроқ бирга, оилавий вақт ўтказишга ҳаракат қиласиз
  3. Дўстлар орасида дам оламиз
  4. Ота-оналаримиз билан бирга ўтказамиз
  5. Бошқа ёзинг
- 

**В. 10. Сиз учун нима муҳимроқ:**

(1 дан 4 гача сон билан муҳимлик даражасига қараб белигиланг)

- олий маълумотли бўлиш, билим олиш
- оила қуриш ва ота-она бўлиш
- юқори даромадли ишда ишлаш
- карьера қилиш (хизмат пиллапоялари бўйича кўтарилиш)

**В. 11. Сизнинг фикрингизча қандай омиллар оиласининг мустаҳкам бўлишига хизмат қилади? (Бир нечта жавобни белгилашингиз мумкин)**

1. Севги билан қурилган никоҳ
  2. Ота-она танлови билан қурилган никоҳ
  3. Шаръий никоҳ
  4. Қариндошлараро никоҳ
  5. ФХДЁ органлари орқали расмий тузилган никоҳ
  6. 17-22 ёшларда тузилган никоҳ
  7. 23-25 ёшларда тузилган никоҳ
  8. 26-30 ёшларда тузилган никоҳ
  9. 30 ёшдан ўтиб тузилган никоҳ
  10. Бошқа
- 

**В. 12. Ҳаётингиз давомида оилавий муносабатларининг ажрим билан якунланганми?**

1. Ҳа (“Г” блоки саволларига жавоб беринг)
2. Йўқ (“Г” блокини қолдириб, “Д” блоки саволларига ўтинг)

**Г. АЖРИМЛАР ВА УЛАРНИНГ САБАБЛАРИ**  
*(ушбу блок фақатгина оиласи ажрим билан яқунланган ёшлар тўлдириши учун)*

**Г. 1. Сизнинг никоҳингиз қанча вақт давом этди?**

1. 6 ойгача
2. 6 ойдан 1 йилгacha
3. 2- йил
4. 4-6 йил
5. 7 йилдан ортиқ

**Г. 2. Сиз неча маротаба турмуш қургансиз?**

1. 1 марта                  2. 2 марта                  3. 3 марта

**Г. 3. Бугунги кунда собиқ рафиқангиз (турмуш ўртоғингиз) билан муносабатингиз қандай?**

1. Жуда яхши
2. Яхши
3. Ўртacha
4. Ёмон
5. Жуда ёмон
6. Хеч қандай муносабатимиз йўқ

**Г. 4. Кимнинг ташаббуси била никоҳ бекор қилинган?**

1. Ўзимнинг ташаббусим билан
2. Турмуш ўртоғимнинг ташаббуси билан
3. Ота-онамнинг хоҳишилари билан
4. Қайона-қайнотамнинг хоҳишилари билан

**Г. 5. Собиқ турмуш ўртоғингиз билан оилангизни тикилашни истардингизми?**

1. Ҳа                  2. Йўқ

**Г. 6. Ажрим билан яқун топган никоҳингиздан фарзандларингиз борми?**

1. Ҳа

2. Йўқ Г. 11 саволга ўтиңг

Г. 7. Ажрим билан яқун топган оиласизда нечта фарзанд бор?

1. 1та
2. 2 та
3. 3 та ёки ундан кўп

Г.8. Фарзандларингиз борлиги оиласиз яхлитлигини саклаш учун хизмат қилдими?

1. Xa
2. Йўқ
3. Бошқа

Г. 9. Фарзандингиз ким билан қолди?

1. Онаси билан
2. Отаси билан
3. Бошқа

Г. 10. Ажралиш ҳақида қарор қабул қилишда сизнинг қариндошларингиз қандай муносабат билдиришди?

1. Бу фикримни кўллаб-кувватлашди
2. Хавотир олиб бу йўлдан қайтаришга ҳаракат қилишди
3. Бефарқ муносатда бўлишди

Г. 11. Қандай сабаблар туфайли сиз ажрашишга қарор қилдингиз?

(З тагача жавоб вариантларини танлаш мумкин)

1. Характерларимиз тўғри келмаганлиги
2. Мавжуд ҳиссиётларнинг йўқлиги
3. Ёмон одатлар мавжудлиги сабабли
4. Моддий муаммолар
5. Уй-жой муаммолари
6. Фарзанд йўқлиги
7. Ота-оналар таъсири туфайли
8. Қариндошларнинг таъсири туфайли
9. Турмуш ўртоғимнинг (рафиқамнинг) касаллиги туфайли
10. Узоқ вақт давомида алоҳида яшаганимиз учун

11. Башқа\_\_\_\_\_

**Г. 12. Ажрашишдан сүнг сиз тушкунлик ҳолатига түшдингизми?**

1. Ҳа
2. Йўқ
3. Жавоб беришга қийналаман

**Г.13. Ажрашишдан сүнг янги шароитларга қандай мослашдингиз?**

1. Жуда тез ва осон, ажралиш менга ижобий таъсир қилди
2. Ўртача, ажралиш менга бироз салбий таъсир қилди
3. Секинлик билан, ажрашганимга қийинчилик билан кўниздим
4. Ҳалигача мослаша олганим йўқ, ажрашганим ёмон таъсир қилди

**Г.14. Келажакда шахсий ҳаётингизни йўлга қўйиш учун нималарни режалатирияпсиз?**

1. Мен янги оила курганман
2. Янги оила куриш арафасидаман
3. Янги оила куриб, баҳтли оила куришни режалаштирмокдаман
4. Башқа\_\_\_\_\_

## **Д. РЕСПОНДЕНТ ҲАҚИДАГИ МАЪЛУМОТЛАР**

**Д.1. Ёшингиз?\_\_\_\_\_**

**Д.2 Жинсингиз?**

1. Эркак
2. Аёл

**Д.3. Оиласининг миллий таркиби?**

(чар бир устунда битта жавоб вариантини белгиланг)

№	Жавоблар	Сиз	Турмуш ўртоғингиз
	Ўзбек		
	Рус		
	Корейс		
	Қозоқ		
	Татар		
	Қорақалпок		
	Тожик		
	Бошқа(ёзинг)		

**Д.4. Маълумотингиз қандай? (ҳар бир устунда битта жавобни белгиланг)**

№	Жавоблар	Сиз	Турмуш ўртоғингиз	Отангиз	Онангиз
	Ўрта				
	Ўрта-махсус (колледж, лицей)				
	Олий(бакалавр)				
	Магистратура				
	Илмий даражага эгаман (PhD)				
	Илмий даражага эгаман (Фан доктори)				

**Д.5. Нечта фарзандингиз бор? (битта жавобни белгиланг)**

1. Фарзандим йўқ
2. 1 та
3. 2 та
4. 3 та ва ундан кўп

3.2.	<b>“Ўзбекистонда оилавий ажралишлар сабаблари” мавзусида социологик анкета намунаси</b>
------	---

Хурматли респондент! Сиздан “Ўзбекистонда оиласарнинг ажралиш сабаблари” мавзусидаги социологик тадқиқотда иштирок этишингизни сўраймиз. Сиздан кўпроқ маъқул бўлган жавоблардан биттасини ёки бир нечтасини белгилашингизни ёки маъқул бўлмаган тақдирда белгиланган жойда ўз жавобингизни ёзишингизни илтимос киламиз.

Иштирокингиз анонимлиги юз фоиз кафолатланади, жавоблар умумий кўринишда ишлатилади.

**Сизга ушбу тадқиқотда иштирок этиб қимматли вактингизни ажратганингиз учун олдиндан миннатдорчилик билдирамиз!**

1. Сиз инсон ҳаётида оиланинг ролини қандай баҳолайсиз?

Оила муқаддас ҳисобланади.

Ҳаётда оиланинг ўрни иккинчи даражали.

Инсон баҳти оиласа боғлиқ.

Бахтли ҳаёт учун оила муҳим эмас.

2. Сизнингча оиласарнинг ажралишига асосий сабаб бўлаётган ҳолатлар қайслар? (бир нечта жавобни белгилашингиз мумкин).

Турмуш ёшининг эрталиги.

Оиласардаги майший муаммолар.

Ишсизлик, маошнинг пастлиги.

Эр-ёки хотиннинг хиёнати.

Эр-хотиннинг бир-бирига ён бермаслиги.

Қайнона ва келин ўртасидаги келишмовчилик.

Келин-куёв томонидан ўз мажбуриятларини билмаслиги, масъулиятсизлиги.

Оила ҳақидаги маънавий тушунчаларнинг шаклланмаганлиги.

Ота-оналарнинг беътиборлиги.

Ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолиятидаги камчиллик.

Ичкиликбозлик, гиёхвандлик ва оиласида тез-тез бўладиган жанжаллар.

Бошқа \_\_\_\_\_

3. Ушбу сабабларнинг бартараф этилишига нима тўсқинлик қиласди (*бир нечта жавобни белгилашингиз мумкин*)

Бир-бирини тушунмаслик.

Оиласида соғлом муҳитнинг йуқлиги.

Ёшларда кўникманинг йуқлиги.

Ота-оналарнинг нотўғри аралашуви.

Сабрсизлик.

Бошқа \_\_\_\_\_

4. Ажримлар фарзандларнинг келажак ҳаётига уларнинг характерига салбий таъсири кўрсатади.

Тўлик кўшиламан.

Кўшиламан деса ҳам бўлади.

Жавоб беришм қийин.

Кўшилмайман деса ҳам бўлади.

Мутлақо кўшилмайман.

5. Оиласида аёлларнинг ишлаши жанжалларга ҳамда ажралишга олиб келадими?

Ха.

Йук.

Билмайман.

Кўп ҳолларда сабаб бўлади.

6. Оиласида қайнона ва келин муносабати қандай бўлиши лозим? (*бир нечта жавобни белгилашингиз мумкин*).

Келин хамиша қайнонасига хурмат кўрсатиши ва унинг сўзидан чиқмаслиги лозим.

Қайнона келиннинг оиласига аралашмаслиги ва келинига бефарқ бўлиши керак.

Қайнона қаттиққўл бўлиши керак.

Келин ва қайнона ҳамиша бир-бирини тушуниб яшаши керак.

7. Сизнинг фикрингизча эр-хотиннинг ижтимоий келиб чикиши ажралишларнинг сабабими?

Ха.

Қисман бу омил ҳам сабаб бўлиши мумкин.

Ажримларда ижтимоий келиб чиқишининг роли йўқ.

Жавоб беришга қийналаман.

8. Дабдабали туйлар ва икки томоннинг мебел ва бошқа нарсалар учун қиласидиган турли молиявий ҳаражатлари кейинчалик ажралишга сабаб бўлиши мумкин бўлган омилми?

Ха.

Йўқ.

Ёш оиланинг турли жанжалларига сабаб бўлади.

Бошқа жавоб

---

---

9. Эр-хотин ўртасидаги муносабатларнинг салбийлашуви, ҳар доим ҳам ажралишга олиб келиши мумкинми?

Ха.

Йўқ.

З-шахсларнинг аралашувига боғлиқ.

Жавоб беришга қийналаман.

10. Иқтисодий омиллардан қайсилари кўпроқ сабаб бўлади? (бир нечта жавобни белгилашингиз мумкин).

Ишсизлик.

Иш ҳақининг камлиги.

Турмуш ўртоғининг чет элда ишлаши.

Оилавий бюджетнинг пастлиги.

Ажралишга иқтисодий омилларнинг таъсири йўқ.

Жавоб беришга қийналаман.

11. Сизнингча дунёкарашларнинг турлилиги ажримларга қайси омил орқали сабаб бўлиши мумкин? (бир нечта жавобни белгилашингиз мумкин).

Хаёт йўлларининг турлилигича.  
Келин куёвлар бир-бирларини билмаслиги.  
Ҳар хил рашклар.  
Жанжаллар келиб чиқиши орқали.  
Жавоб беришга қийналаман.

### ҚАРАНГ ШУНИНГДЕК!!!

12. Ёш турмуш қуриш? (бир нечта жавобни белгилашингиз мумкин).

Бир-бирини тушунмасликка олиб келади.  
Ёш турмушга ота оналар сабабчи бўлади.  
Кўп жанжаллар шундан келиб чиқади.  
Бефарзандликка олиб келади.

13. Эркак ва аёл ўргасидаги жинсий муносабатлар ажралишга сабаб бўлишига қандай қарайсиз? (бир нечта жавобни белгилашингиз мумкин).

Ажралишга алоқаси йўқ.  
Биринчи даражали сабаб бўлади.  
Оила мустаҳкамлиги, эр ва хотин муносабати шунга боғлиқ.  
Эр ва хотиннинг бир-биридан совушига олиб келади.  
Муносабатларни сўндиради.  
Оилавий кўп жанжалларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади.

14. Оилаларнинг ажралишига гиёхвандликнинг таъсири борми?

Ха.  
Йўқ.  
Жавоб беришга қийналаман.

15. Ичкиликка ружу қўйиш ажралишига сабаб бўлиши мумкинми?

Ҳаддан зиёд ичкиликка ружу қўйиш ҳолларида.  
Йўқ аҳамиятга эга эмас.  
Жавоб беришга қийналаман.

Бошқажавоб \_\_\_\_\_

16. Оила мустаҳкамлиги учун меҳр-муҳаббат бўлиши шартми?

Оила мустаҳкамлигини меҳр-муҳаббат таъминлаб беради.

Оиланинг мустаҳкамлиги бунга боғлиқ эмас.

Йўқ, шарт эмас.

17. Оилада эр ва хотиннинг ўрни ва мажбуриятлари қандай бўлиши лозим деб ўйлайсиз?

---

---

---

### **ДИҚҚАТ!!! ОХИРГИ САВОЛЛАР ГУРУХИ**

18. Ажримларни олдини олишга қаратилган қайси органларни биласиз?

---

---

19. Мазкур органга (ёки органларга) неча маротаба муружаат қилгансиз? (агар 18-саволда кўрсатган бўлсангиз, кўрсатмаган бўлсангиз 20-саволга утишингиз мумкин)

20. Куйида келтирилган ҳар бир кўрсаткич бўйича Сиз кониқиши даражангизни белгиланг ва доирачага олиб кўйинг.

Кўрсаткич	Умуман конниктир- майди	Асосан конниктир- майди	конникиради деса хам бўлади, конниктирмайди деса хам	Асосан конникиради	Тўлик конникиради
ФҲДЁ бўлимларининг ажримларни олдини- олишдаги тарғибот тадбирлари самараси	1	2	3	4	5
	1	2	3	4	5
хотин-қизлар кўмиталарининг ажримларни олдини олишдаги фаолияти самараси	1	2	3	4	5

**21. Сиз яшаб турган маҳалладаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи ҳузуридаги яраширув комиссиясининг иш фаолиятга ўз баҳоингизни беринг.**  
**Маслаҳат: Илтимос, ҳар бир жавоб шекаласидаги битта даражасани танланг ва доирачага олиб қўйинг. 0 интервалидан чапга қараб (1, 2, 3) ижсобий, ўнга қараб (-1, -2, -3) салбий баҳо даражалари берилади.**

**Ахоли билан хушмуомаласи**  
**хуш муомала 3 2 1 0 -1 -2 -3 қупол**

**Оиласаларни яраширишдаги ўрни**  
**маданиятли 3 2 1 0 -1 -2 -3 маданиятсиз**

**Ўз мажбuriятларини билиши даражаси**  
**билади 3 2 1 0 -1 -2 -3 билмайды**

22. Сизнингча оиласарда ажримларни олдини олишга қандай чоралар кўрилиши лозим деб ҳисоблайсиз? (илтимос фикрингизни баён қилинг).

---

---

23. Ёшингиз \_\_\_\_\_ Миллатингиз \_\_\_\_\_  
Жинсингиз (*тагига чизинг*)      Эркак      Аёл  
24. Сизнинг маълумотингиз? (*тагига чизинг*)

Олий (бакалавр)    Олий (магистр)    Ўрта маҳсус

25. Ҳозирги вақтда сизнинг асосий касбингиз нима?

---

---

---

**Кўшимча фикр мулоҳазангиз бўлса кўрсатишингиз мумкин.**

---

---

---

Сиз ўзингизнинг иштирокингиз билан юртимиизда оиласарнинг ажралишини олдини-олишга ва ота-онасиз болаларни камайишига бефарқ эмаслигингиздан миннатдормиз!

**СЎРОВДА ИШТИРОКИНГИЗ УЧУН КАТТА РАҲМАТ!**

## Х У Л О С А

Шундай қилиб, социологик тадқиқотлар методологиясида жамоатчилик фикрини узлуксиз равища мониторинг қилиб боришга сүров инструментларини қўллаш орқали эришилади. Энг муҳим сўров инструменти эса – бу социологик анкета ёки анкета сўрови методидир.

Қўлланмада келтирилган ахборотлар юзасидан қуидаги тўхтамларга келиш мумкин.

1. Анкета сўрови деганда инсонлардан олдиндан тайёрланган сўровномалар асосида маълум объектив фактлар, воқеа, ҳодиса ва шахслар тўғрисида фикр олиш жараёни тушунилади. Содда қилиб айтганда, анкета сўрови – анкета асосида сухбат қилишдир. Анкета сўрови ёрдамида респондентлардан ўзлари гувоҳи бўлган, эшитган, кўрган ёки мустақил тушунчага эга бўлган маълум воқеа ёки шахс тўғрисида маълумот олиш жараёнини тушуниш мумкин.

2. Анкета сўровномасида ахборот ташувчиси бўлиб респондентлар жавоблари саналади. Содда қилиб айтганда, анкета – сўров хужжати, респондент билан ўтказиладиган сухбат сценарийси саналади.

3. Анкета саволларининг шакллари сўровда олинаётган маълумотларнинг ишончлилик ва тўлиқлилик даражасига бевосита таъсир кўрсатади.

4. Анкета саволлари асосан 2 гуруҳга бўлинади: очиқ ва ёпиқ типдаги саволлар. Очиқ типдаги саволлар деганда жавоб вариантлари келтирилмаган ва респондент томонидан маълум муаммо ёки воқеа юзасидан эркин тарзда ўз фикрини ёзиш назарда тутиладиган саволлар тушунилади. Ёпиқ типдаги саволлар деганда анкета сўровномасига киритилаётган саволлар кутилаётган тахминий жавоб вариантлари билан биргаликда келтириладиган саволлар тушунилади.

5. Анкетадаги барча саволлар шакллантириб бўлингач, у қайта кўриб чиқилиши ва зарур ҳолларда қайта таҳрир этилиши керак.

## **Фойдаланилган ва тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати**

### **Асосий адабиётлар:**

1. Мирзиёев Ш. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Т.: “Ўзбекистон”, 2017. - 16 б.
2. Аверьянов Л.Я. Социология: искусство задавать вопросы / Издание 2-е, переработанное и дополненное. - М., 1998. – 357 с.
3. Батыгин Г.С. Лекции по методологии социологических исследований. М.: “Российский университет дружбы народов”, 2008. С. 353.
4. Добриенков В.И., Кравченко А.И. Методы социологического исследования. М.: “Инфра-М”, 2004. С. 767.
5. Лютынский Я. Вопрос как инструмент социологического исследования / Статья является сокращенным вариантом работы: J. Lutynski Pytanie jako narzedzie w surveyowych badaniach sociologicznych. // Studia sociologiczne., 1979, MS 1, S. 93—118.
6. Никандров В. В. Вербально-коммуникативные методы в психологии. СПб.: Речь, 2002. Осипов Г.В. Методы измерения в социологии. Москва : Наука , 2003.
7. Рогозин Д.М. Когнитивный анализ опросного инструмента. М.: «Общественное мнение», 2002. – 251 с.
8. Садмен С., Бредберн Н. Как правильно задавать вопросы. М.: «Общественное мнение», 2005. – 382 с.
9. Сикевич З.В. Социологическое исследование. Практическое руководство. М.: “Питер”, 2005. С.299.
10. Социологический энциклопедический словарь. М.: “Норма”, 2000. С. 480.
11. Стукало С. Качество работы опросной сети: к постановке проблемы / Социология: теория, методы, маркетинг. Москва. - №2004/4. – 172-178 с.

12. Феннето Э. Интервью и опросник: формы, процедуры, результаты. СПб.: «Питер», 2004. – 160 с.
13. Ядов В.А. Стратегия социологического исследования. Учебное пособие. 4-е издание. М.: “Омега-Л”, 2009. С.545.

## **МУНДАРИЖА**

Кириш.....	4
<b>1. Анкета сўровининг услубий тавсифи .....</b>	<b>5</b>
1.1. Анкета сўрови тушунчаси ва иштирокчилари .....	5
1.2. Анкета сўровининг услубий афзаликлари ва камчиликлари .....	10
1.3. Анкета сўровини ўтказиш босқичлари .....	15
<b>2. Социологик анкета тузиш технологияси .....</b>	<b>19</b>
2.1. Социологик анкета тушунчаси ва тузилиши.....	19
2.2. Анкета саволлари шакллари .....	26
2.3. Анкета саволларини шакллантириш қоидалари .....	36
<b>3. Социологик анкета намуналари .....</b>	<b>42</b>
3.1. “Ёш оиласлар турмуш даврида кенг учрайдиган муаммолар” мавзусида социологик анкета намунаси .....	42
3.2. “Ўзбекистонда оиласлар ажралишлар сабаблари” мавзусида социологик анкета намунаси .....	59
Хулоса .....	66
Фойдаланилган ва тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати .....	67

## **ҚАЙДЛАР УЧУН**

---

**Санжар Юлдашев**

**СОЦИОЛОГИК АНКЕТА  
ТУЗИШ НАЗАРИЯСИ ВА  
АМАЛИЁТИ**

**ИЛМИЙ-УСЛУБИЙ ҚҰЛЛАНМА**

Мұхаррир: Ахтам РҮЗИМУРОДОВ  
Бадий мұхаррир ва  
сақиғаловчы: Дилмурод ЖАЛИЛОВ  
Техник мұхаррир: Мадина АБДУЛЛАЕВА  
Мусақхих: Нигора ФАНИЕВА

Нашриёт лицензияси АИ № 315. 24.11.2017.  
2020 йил 25 февралда босишга рухсат этилди.  
Бичими 84x108 1/32. Cambria гарнитураси.  
Офсет босма. 2,875 шартли босма табоқ. 5,95 нашр табоғи.  
Адади 500 нұсха. -рақамли буюртма.  
Баҳоси шартнома асосида

YOSHLAR NASHRIYOT UYI.  
Шайхонтохур тумани, Навоий күчаси, 11-үй.

"Avto-Nashr" XК босмахонасида чоп этилди.  
Тошкент шаҳар, 8-март кўчаси, 57-үй.